*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 102 (7. 191) 1990 йил 5 май шанба Баҳоси 3 тийин



⊙ ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАГАН ИШЧИ. Тошкент золдирли подшипниклар заводининг ўровчиси Мирвосид Сафоев. Т. Каримов сурати.

XXVII Тошкент шаҳар партия конференцияси олдидан

## ПАРТИЯНИ ЯНГИЛАШ САРИ

⊙ ПОЙТАХТ коммунистлари ўзларининг навбатдаги XXVII шаҳар партия конференциясига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бўлиб ўтган район партия ҳисобот-сайлов конференцияларида коммунистлар ўзларининг партия ишига фидойи, эл ғам-ташвиши билан елиб-югурувчи фаол коммунистларни XXVII шаҳар партия конференциясига делегат қилиб сайладилар. Ҳозир жойларда ана шу делегатлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда, улар ўз жамоалари олдида сўзга чиқмоқдалар. Коммунистлар, шаҳар меҳнаткашлари эса уларга наказлар (талаб ва истаклар) беришяпти, конференцияда КПССнинг янги шароитда жамиятдаги ўзгараётган ўз мавқеини ҳисобга олган ҳолда ўзининг ролини самарали амалга ошириш учун нималар қилиш керак, унинг структурасини қай тариқа ўзгартириш мумкин, бошланғич партия ташкилотлари ҳуқуқини қандай қилиб оширса бўлади, КПСС янги Уставига қандай ўзгартиришлар киритиш мумкин каби муҳим масалалар билан бирга, шаҳар ҳаёти, экологияси билан боғлиқ вазифалар хусусида фикр юритишни тавсия қилмоқдалар. Ўйлаймизки, шаҳар партия конференцияси кўп саволларга жавоб беради, ечилмаётган талай муаммоларга тўртки беради. Бугун эса айрим конференция делегатлари ва коммунистларнинг фикр ва мулоҳазаларини билан сиз муштарийларни таништириб ўтамиз.

Сўз—конференция делегатларига

## АЙТАДИГАН ГАПИМИЗ КЎП

⊙ XXVII шаҳар партия конференциясига саноқли кунлар қолди. Шаҳримиздаги барча корхона, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларнинг коммунистлари ўзларининг бу анжуманларига катта тайёргарлик кўришаяпти. Шу муносабат билан мухбиримиз жойларда бўлиб, конференция делегатлари билан суҳбатлашди.

**Е. МЎЛДАҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.**

— Йиллар ўтган сари ўтмиш камчиликлари бўй кўрсатиб бораверяркан. Давр биздан янгилик томон интилиш ва муntазам изланишни тақозо этади, шундай ҳол юз бериши ҳам табиий. Узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Масалан, биргина партияга қабул масаласини олайлик. Кўп йиллар давомида бу хусусда ягона бир қоида ҳукм суриб келди. Биз эса хоҳласак, хоҳламасак эскириб сийқаси чиққан шу кўрсатмага амал қилдик. Иш шу даражага бориб етдики, ариза берган кишини партияга қабул қилиш, олий ўқув юртига кириш имтиҳонларини топшираётган талабанинг олдига қўйиладиган талаблар даражасидан ҳам ортиб кетди. Ахир инсоф билан айтганда, яхши ният билан партия сафига кириб унга садоқатли бўлмоқчи бўлган оддий ишчи, колхозчи ва қурувчи шундай оғир синовдан ўта оладими?

Шу ўринда яна бир масалани ойдинлаштириб олишга тўғри келади. Нима учун партия қабулига тайёргарлик кўраётган кишининг ишига у меҳнат қилаётган корхона аҳли қолиб, район партия комитети ва унинг аъзолари баҳо беришади? Ишчини ҳар куни у билан ёнма-ён ишлаётган жамоа яхши биладими ёки умрида биринчи бор у билан юз кўришиб турган район партия комитети аппаратидаги кишиларми?

Мана шу нотабиий қоида туфайли партия аъзоси бўлишдек шарафли номга эга бўлиш орзусида юрган оддий касб эгалари имтиҳондан ўта олмай камситилдилар. Уларнинг ўрнига «иш ўрнига сўз билган» корчалонлар партияга қабул қилинадилар. Ҳозирги вақтда партияга бўлган ишончсизлик куртакларининг пайдо бўлишини биз кўпинча ана шу каби иллатлардан қидирсак тўғри бўлади. Яхшиямки, ҳаётимизга ошкоралик, демократия кириб келди. Нуқсонларимизни англаб ета бошладик. Бўлмаса яна қанча чалкашликларга йўл қўйган бўлардик. Шаҳар партия конференцияси баҳонасида кўпдан бери дилимга тугиб юрган шу муаммони ўртага ташлашга жазм этдим.

Энди ўз корхонам коммунистлари ҳақида икки оғиз сўз. Бирлашмамиз жамоаси конференцияни ёруғ юз билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Қўлга киритаётган ютуқларимиз ҳам салмоқли. Корхонамиз асосан пахтачилик машиналари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Тўғри, олдинлари конвейерларимиздан тушаётган машиналаримизнинг сифатсизлиги ҳақида бизга дала меҳнаткашларидан кўплаб шикоятлар келиб турарди. Шуни ҳисобга олиб бутун эътиборимизни маҳсулот сифатига қаратдик. Натижада шикоятлар ўрнини миннатдорчилик мактублари эгаллай бошлади. Мана шунинг ўзи ишга бўлган талабчанликнинг ошганидан, меҳнат интизоми яхшиланаётганидан далолат бериб турибди.

**Ў. ЗОКИРОВ,**
**3-уйсозлик комбинатининг бригада бошлиғи.**

— Яқинда комбинатимизда ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Шунда барча коммунистлар дилдаги гапларни, йиғилиб қолган муаммоларни ўртага ташлашди. Ўшанда шаҳар партия конференциясига тайёргарлик масаласи кўриб чиқилди. Корхона партия аъзолари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, КПССнинг янги Устави лойиҳаси доирасида ҳам ўзларининг холис фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, Ўзбекистон коммунистларининг Ҳаракат дастурини ишлаб чиқишда республикамизда қайта қуриш истиқболининг аниқ ва ёрқин манзарасини акс эттиришга эътибор берилиши кераклиги ҳам уқдириб ўтилди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб қўймоқчиман. Комбинатимиз коммунистлари менга юксак ишонч билдиришди. Номзодимни шаҳар партия конференциясига делегат этиб кўрсатишди. Шунда баъзи қурувчи дўстларим мени табриклашиб, «Хўш, коммунистлар анжуманида сенга сўз беришса, ниманларни гапирасан?» деб сўрашди. Мен уларга «Ишимиздаги камчиликлар, қурувчилар олдида турган муаммолар ҳақида кўпроқ гапираман» деб ваъда бердим.

Биласизки, республика, қолаверса, шаҳар аҳолиси ҳаётини яхшилашнинг энг асосий масаласи — уй-жой қурилиши муаммосидир. Бундан бир неча йил муқаддам уй-жой программаси қабул қилинган эди. Лекин бу дастур қонидарсиз бажарилмоқда. Агар бундан бир неча ой илгари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун ер участкалари ажратишдан иборат бўлган чора-тадбирларни амалга оширишга киришилмаганда, бу программа барбод бўлиши турган гап эди. Масалан, биргина шаҳар аҳолисини олайлик. Унинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Уй-жойга муҳтож оилалар кўпаймоқда. Лекин шаҳарда олиб борилаётган қурилиш ҳажми эса бу талабга мутлақо жавоб беролмайди. Устига устак материаллар танқислиги, уларнинг ўз вақтида жойларга етказиб берилмаслиги ишнинг белига тепмоқда.

Касбим қурувчи бўлгани учун шаънимизга нолойиқ бўлган яна бир масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса кўпдан бери барчани ташвишга солиб келаётган сифатсизлик муаммосидир. У ҳақда жуда кўп гапирдик, бонг урдик, бу иллатдан қутулиш йўлларини изладик. Барибир бўлмаяпти. Очиғини айтганда, энди виждонни ўртага қўйиб гапиришга тўғри келади. Кимки ўз касбини виждонан севса, эъзозласа, кундалик ишини сифатли ado этади.

Хуллас, айтадиган гапимиз ҳам, қурилиш муаммолари ҳам етарли. Бригадамиз аҳли анжуманга ўзига хос тайёргарлик кўраяпти. Уни ҳар биримиз шахсий меҳнатда яхши натижаларни қўлга киритган ҳолда ёруғ юз билан кутиб олишга аҳд қилганмиз.

**Суҳбатдош**
**М. КОМИЛЖОНОВ.**

### ФАОЛЛИККА ДАЪВАТ

ОКТЯВРЬ район партия комитети, шаҳар партия ташкилотининг етакчи кучларидан биридир. Районда ҳозир 90.200 нафар коммунист яшаб меҳнат қилмоқда. Бўлиб ўтган район ҳисобот-сайлов конференциясида меҳнат ✓ жамоаларининг делегатлари ғоят фаоллик кўрсатдилар. Улар партия ишини қайта қуриш билан боғлиқ масалаларга тўхталиш билан бирга, районда ҳал этилмаётган масалаларни ўртага ташладилар. Шунингдек, районнинг барча коммунистларига қайта қуриш ишида, айниқса партия ишини қайта қуришда янада жипслашишга, фаол бўлишга даъват этдилар. Қисқаси, конференция делегатлари ва унинг иштирокчилари партия ишига чинакам фидойи эканликларини яна бир бор кўрсатдилар.

— Шунинг учун ҳам, — дейди Октябрь район партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудири Леонид Петрович Шевченко, — энг фаолларнинг фаолларини шаҳар партия конференциясига делегат қилиб сайладик. Улар 60 кишидан иборат. «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмаси созловчиси, коммунист А. Жалилов, Тошкент метрополитени созловчилар бригадаси етакчиси Е. Сергеев, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ўқув устаси В. Струначева, Ўзбекистон кўрлар жамияти босмахонаси директори Н. Ҳошимов ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўйлайманки, делегатларимиз район коммунистларининг ишончини сўзсиз оқлашади. Улар партиянинг мавқеини мустаҳкамлашга, унинг ишини демократиялаштиришга қаратилган қатор фойдали таклиф ва мулоҳазалар билан чиқишади ва шу билан бирга партия ишини яхшилашга сидқидилдан хизмат қилишади.

**Т. ХАЛИЛОВ.**

## МАТБУОТ—ДЕМОКРАТИЯ ВА ОШКОРАЛИК УЧУН КУРАШДА

Оммавий ахборот воситаларининг жамият турмушидаги аҳамияти беқиёсдир, лекин унинг аҳамияти қайта қуриш ва ошкоралик даврида янада ортди. Матбуот, радио ва телевидение қачонлардир ёпиб қўйилган мавзуларга дадилроқ ва қатъийроқ мурожаат эта бошладилар, тарихий ҳақиқатни тиклаш, демократия принципларини қарор топтириш, қайта қуриш жараёнларини таҳлил этиш учун кўп иш қилдилар. Газеталар ва журналлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар турғунлик, мутаассиблик, лоқайдликка қарши тобора фаол курашмоқдалар, айни вақтда энг илғор ғояларни тарғиб этиб, жамоатчилик фикрини уйғотмоқдалар.

Матбуот куниga, радио ва барча алоқа тармоқлари ходимлари кунига бағишлаб 4 май куни Тошкентда бўлган тантанали йиғилишда оммавий ахборот воситаларининг ана шу фазилатлари ҳақида гапирилди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов очди.

Бу гал йиғилишни олиб боришнинг анъанавий тартибидан воз кечилди — одатдаги маъруза ўрнига Тошкент шаҳар партия комитети, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ижроия комитети, Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети, Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети, Журналистлар уюшмаси, жумҳурият Алоқа вазирлигининг раҳбарлари йиғилганларга мурожаат қилиб, уларни табриклашдилар.

Йиғилишда қайта қуришнинг туб бурилиш босқичида оммавий ахборот воситаларининг бисотидаги ҳамма нарсалар шу кунинг вазифаларига, жамиятимизни жипслаштириш ишига жавоб бериш ёки бермаслигини чуқур таҳлил этиш зарурлиги таъкидланди. Матбуот, радио ва телевидение миллионлар фикрини ифодалаш учун берилган очиқ минбардир. Ҳозир мамлакатда қизғин бунёдкорлик ишлари кетаётган вақтда демократик ўзгартишларни кенгроқ кўрсатиш, партияга, жамиятга қайта қуришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишда фаол ёрдам бериш муҳимдир.

Бир группа ходимларга Ўзбекистон ССР Журналистлар уюшмаси, жумҳурият Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, СССР ва Ўзбекистон ССР Алоқа вазирликларининг мукофотлари тантанали вазиятда топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашди.

6 май куни байрам тантаналари давом эттирилади. Шу куни К. Маркс ва С. Киров кўчаларида оммавий халқ сайиллари ўтказилади. Жумҳуриятимизнинг таниқли журналистлари билан учрашувлар бўлади, газеталар ва фотосуратлар кўргазмалари, редакциялар, нашриётлар, матбаачилар ва алоқачилар коллективлари фаолиятини акс эттирувчи стендлар ташкил қилинади.

(ЎзТАГ).

## МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарув секретариати 1989 йилги республика ижодий конкурсларига якун ясади.**

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фахрий дипломлари билан мукофотланганлар орасида «Тошкент оқшоми» газетасининг муҳбири А. Нурмиов ҳам бор.**

**Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларини фаол ёритганлиги учун Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фахрий дипломлари билан мукофотланган орасида «Вечерний Ташкент» газетаси редакциясининг жамоаси ҳам бор.**



## БАЙРАМ САЙЛИГА МАРҲАМАТ

Яқиндагина биз 1 Май байрамини бутунлай бошқача вазиятда — дабдабалардан, тантанавозликлардан воз кечган ҳолда камтарона байрам қилдик. Ҳа, бу жамиятимизнинг янгиланаётганлигидан, ўзимизнинг ўзгариб бораётганимиздан далолатдир. Матбуот куни, Радио ва барча алоқа тармоқлари ходимларининг касб байрамларини ўтказиш режаларига бир нигоҳ ташласангиз ушбу саналарнинг ҳам оддийлигича, лекин одамлар қалбида яхши таассурот ва ҳис-туйғулар қолдирадиган қилиб белгиланганлигининг гувоҳи бўласиз.

Шундай қилиб, азиз дўстлар, мамлакат оммавий ахборот воситалари ва алоқа ходимларининг касб байрамларига бағишланган тантаналарга сизларни сидқидилдан таклиф этамиз. Оммавий байрам сайиллари 1990 йил 6 май куни шаҳримиз марказидаги сўлим гўшалар — К. Маркс ва Киров кўчаларида ўтказилади. Байрам соат 11 да бошланиб кечга қадар давом этади. Хўш, сайилга ташриф буюрганларни қандай томошалар ва тадбирлар кутмоқда?

Шуни айтиш керакки, бу ерга келган ҳамшаҳарларимиз ва қадрли меҳмонларимиз бадиий ҳаваскорлик ҳамда санъат жамоаларининг чиқишларини кўрадилар, кулги усталари ва аскиябозларнинг ичакузди пайровларини эшитадилар. Бу ерда рангбаранг кўргазмалар ташкил этилади. Унда Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлигига қарашли корхона ходимларининг, рўзнома ва журналлар жамоаларининг фаолияти ифода этилади. Бу ерга келганлар жумҳуриятимизнинг таниқли журналистлари билан учрашадилар, марказий ва маҳаллий рўзнома ва журналларнинг сайёр мухбирлари бўлимларидан ўзларни учун зарур бўлган маълумотларни оладилар. Шуни айтиш керакки, шу куни сиз ўзингизга маъқул бўлган нашрингизга обунани расмийлаштиришингиз мумкин. Бу ерда журналистларнинг халқаро бирдамлик лотерея билетлари сотилади, Байрам қатнашчилари учун сиёсий ва бадиий адабиётлар, совғалар савдоси уюштирилади.

Сайилга ташриф буюрганлар орасида жисмоний тарбия ва спорт ишқибозларининг ҳам бўлиши табиийдир, албатта. Ана шуни эътиборга олиб «Тошкент оқшоми», ва «Вечерний Ташкент», «Ўзбекистон физкультурачиси» ва «Физкультурник Узбекистана» рўзномалари, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлигининг мукофотн учун енгил атлетика мусобақалари ўтказилади. Мусобақа ғолибларини совғалар кутмоқда. Шатранж ишқибозлари ҳам байрамга ташриф буюришса мамнун бўлишади. Бу ерда жумҳуриятимизнинг етакчи шахматчилари бир неча тахтада бир неча шатранж ўйинларини ўтказишади. Қўли ширин пазандаларни айтмасак ҳам бўлади. Улар шу куни сизни табассум ва очиқ чеҳра билан чиройли қилиб тузалган байрам дастурхонларига таклиф этишади, тайёрлаган мазали таомлари билан ҳайратга солишади. Хуллас, азиз дўстлар, байрам сайлига ташриф буюрсангиз яхши ҳордиқ чиқариб, келгуси ҳафта иш кунлари учун куч-қувват тўплаб уйга қайтасиз.

⊙ Матбуот куниga бағишланган мақолаларни рўзномамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

Рўзноманинг шу сонига

## ҒАМХЎРЛИКДАН ОНАЛАР МИННАТДОР

⊙ Кеча рўзномаларда кўп болали оналарнинг моддий аҳволини, ёш авлоднинг ўсиш шароитларини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, «Ўзбекистон ССРда кўп болали оналарга ҳар ойда тўланадиган нафақа миқдорини 1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб икки бараварга кўпайтириш» ҳақида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Ана шу Фармондан келиб чиқиб мухбиримиз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети социал таъминот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Римма Федоровна Васина билан учрашди.

— Жумҳуриятимиздаги кўплаб онахонларимиз бу Фармонни интизорлик билан кутишаётган эди. Ўзингиз биласиз, кўп болали оналар маошнинг бошини учига етказолмайди...

— Ҳақ гап. Кўп болали оналар бизнинг жумҳуриятимизда айниқса кўпчиликни ташкил этади. Фақат шаҳримизнинг ўзида бугунги кунда 14.923 та ана шундай оилалар бор.

— Римма Федоровна, Фармон шу йилнинг 1 июлидан бошлаб кучга киради. Ҳар ойда тўланадиган нафақа миқдорининг қонун-қоидалари ҳақида оқшомхонларга тўлиқ тушунтириб берсангиз.

— Ҳаммамизга маълумки, жумҳуриятимизда ҳар бир онага оилада туғилган тўрт боладан кейин ҳар ойда бола беш ёшга етгунга қадар нафақа тўланади. Бугунги кунгача СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 8 июлдаги Фармонига биноан кўп болали оналарга нафақа тўланиб келинар эди. Бундан қирқ олти йил муқаддам чиқарилган бу Фармон эскириб қолганлигини бугунги кун яққол кўрсатиб турибди.

Ҳар ойда тўрт фарзанди бор она 1944 йилдан бери тўрт сўм олаётган бўлса, энди 1 июлдан бошлаб саккиз сўмдан олади. Шунингдек, беш фарзанди бор она 12 сўм, олти боласи бор ҳам 12 сўм, етти фарзанди бор — 14 сўм, саккиз фарзанди бор — 20 сўм, тўққиз боласи бори ҳам 20 сўм, ўн боласи бор 25 сўм, ўн бир боласи бори ҳам 25 сўм, ўн икки фарзанди бор она 30 сўм олади.

Бола дунёга келгандан кейин онага тўланадиган йиллик ҳақ тўлаш ўз кучида қолганлиги сабабли унда тўртинчи боласи дунёга келганларга 65 сўм, бешинчисига 85 сўм, олтинчисига ҳам 85 сўм, еттинчисига 100 сўм, саккизинчиси ва тўққизинчисига 125 сўм, ўнинчиси ва ўн биринчисига 175 сўм, ўн иккинчисига эса 250 сўм тўланади.

— **Янги Фармондан кейин шаҳримиздаги кўп болали оналарга ҳар ойда тўланадиган нафақа миқдори неча сўмни ташкил этади?**

— Шу йилнинг январь ойига келиб пойтахтимизда истиқомат қилаётган кўп болали оилалар сони 14.923 тани ташкил этди. Ўтган йили уларга 1 миллион 776 минг сўм нафақа берилди. Агарда биз шу йилнинг қолган олти ойини ҳисобга олсак яна шунча ҳақ тўланиши керак. Чунки ҳар ойда тўланадиган нафақа миқдори икки бараварга ошди.

**Суҳбатдош**
**Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.**

## Санъаткорлар «Оқшом» меҳмони

— Бугун биз, журналистлар ҳузурига меҳмон бўлиб келган ва ўз санъатлари билан қалбимизга бир олам қувонч бағишлаган санъатчилардан жуда ҳам мамнунмиз...

— Санъат усталарининг рўзнома хизматчилари ҳузурига ана шундай ташриф буюришларини анъанага айлантириш керак...

— «Оқшом» рўзномаси бизга санъат ва концерт заллари ҳамда ойнаи жаҳон орқали маълум бўлган артистларни бизнинг анъанавий байрамимиз бўлмиш Матбуот куни арафасида мароқли учрашувга таклиф этганидан бениҳоя хурсандмиз...

ЮҚОРИДАГИ қалб сўзлари кеча «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» журналистларининг «Резонанс» қўшиқ театри жамоаси санъаткорлари билан бўлган мароқли учрашувдан кейинги қалб сўзларидир. «Союзтеатр»нинг Ўзбекистон жумҳурият бўлимига қарашли ушбу театрнинг ёш ва иқтидорли жамоаси кеча ўз санъатлари билан матбуот ходимлари қалбига бир олам қувонч бағишладилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Наталья Нурмуҳамедова, Эсон Қандов, халқаро танловларнинг соҳиблари бўлмиш Равшан Каримов, Нодира Зиёхонова, Надежда Чурадаева, Александр Кузьминларнинг маҳорати ҳаммага таниш. В. Курницкий, В. Терегулов, Л. Гершкович, В. Бадиров, М. Шункарев, С. Козицин сингари мусиқачиларнинг санъат йўлидаги ижодий изланишлари эса ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Уларнинг маҳоратига биргина республикамиздаги эстрада ишқибозларигина эмас, балки Қозоғистон, Қирғизистондаги томошабинлар ҳам қарсаклар чалишган. Тошкентлик, санъаткорларнинг РСФСРдаги чиқишлари ҳам юксак баҳога сазовор бўлди.

Ҳозирги пайтда театр жамоаси Болгария ва Сочи сафарига тараддуд кўраяпти, июль ойида эса улар «Осиё овози» деб номланган халқаро эстрада танловида иштирок этишади.

Санъаткорлар ва мусиқачиларнинг репертуаридан ўзбекча, русча, кореяча, эронча, испанча, туркча, қозоқча қўшиқлар ўрин олган. Улар кеча ўз репертуарларидаги ана шу қўшиқ намуналаридан ижро этишиб, матбуот ходимларини беҳад мамнун этдилар.

— Театримиз бундан буён ҳам доимо ижодий изланишда бўлади, — дейди унинг бадиий раҳбари ва директори Андрей Зибкин. — Бундай ижодий изланиш театримиз шуҳратига шуҳрат қўшмоқда. Буни яна шундай мисолдан ҳам билиш мумкин. Биз кўпгина ишлаб чиқариш жамоалари билан яқиндан алоқа ўрнатганмиз. Жумладан, шаҳримиздаги 2-автокомбинатда 7 май куни ўз маҳоратимизни намойиш этамиз. 8 майда эса театримиз санъаткорлари 18-автобус паркида ва «Совпластитал»да концертлар қўйиб беради. Очиғини айтганда, биз бугун журналистлар ҳузурида концерт қўйиб бергани келганимиздан жуда ҳам бахтиёрмиз. Биз бундан кейин ҳам ҳар доим ўз маҳоратимизни матбуот ходимлари ҳузурида тез-тез кўрсатишни жон-дилдан истаймиз.

**С. БОТИРОВ.**





СУРАТЛАРДА: журналистлар ҳузурида кўрсатилган концертдан лавҳалар.
Р. Шарипов суратлари.

Карл Маркс туғилган куннинг 172 йиллигига



# Унинг мангу номи

ИЛМИЙ коммунизм асосчиси, халқаро ишчилар синфининг доҳийси Карл Маркс инсоният тарихида биринчи бўлиб ижтимоий тараққиёт қонунларини очиб, дунёни коммунистик асосда қайта қуриш йўлини кўрсатиб берди. К. Маркс ўз бурчини дунёни янгилашда, асрлар давомида инсоният орзу қилган синфсиз, эркин, озод жамият қуришда, деб англади ва бутун ҳаётида шу мақсад йўлида ижодий меҳнат қилди.

1844 йил августда Парижда Ф. Энгельс билан учрашган Маркс дўсти билан қарийб 40 йил ҳамкорлик қилди, яхлит революцион таълимотни яратди, социализмни хаёлотдан фанга айлантирди, идеализмдан материализмга, революцион демократизмдан коммунизмга узил-кесил ўтди.

Ф. Энгельс К. Маркс ҳақида шундай деган эди: «...Маркс доҳий эди, бизлар жуда деганда истеъдодли кишилар эдик. Агар у бўлмаганда назариямиз ҳозирги ҳолига келмаган бўлар эди. Шу сабабдан бу назария ҳақли равишда унинг номи билан аталади».

1867 йилнинг 14 сентябри тарих зарварақларига пролетариатнинг улуғ доҳийси, буюк мутафаккир Карл Маркснинг шоҳ асари бўлмиш «Капитал» 1-жилдининг биринчи марта босмадан чиққан куни сифатида битилган. Инсон тафаккури баркамоллигининг намунаси бўлган бу асар алломанинг салкам чорак асрлик илмий изланишлари самараси бўлиб, у кишилик жамияти тўғрисидаги фанда ҳақиқий инқилобий тўнтариш ясади. К. Маркс мазкур асарида капитализмнинг пайдо бўлиши, тараққийси ва ҳалокати қонуниятларини очиб берди, капитализмнинг муқаррар равишда социализм билан алмашуви ва коммунизмнинг ғалаба қозонишини илмий асослади. Маркс мана шу ишчилар синфининг буюк қуроли саналмиш асарини яратишга бутун умрини бахшида қилди. У I Интернационал аъзоси, немис социалисти З. Мейерга ёзган хатида «Капитал»ни ёзиш йўлида ўз сиҳат-саломатлиги, яшаш бахти ва оила фаровонлигини қурбон қилганлигини айтганди. Мислсиз бардош, қунт ва матонат эвазига яралган бу асар ҳақиқатан ҳам ўз муаллифи таъбири билан айтганда, «буржуазия (ва шу жумладан, хусусий ер эгалари) бошига шу пайтгача ёғилган снарядларнинг энг даҳшатлиси бўлди.

В. И. Ленин «Асримизнинг буюк сиёсий-иқтисодий асари» деб атаган бу илмий-тадқиқот икки буюк инсоннинг ҳамкорлиги меваси бўлиб, бу ҳақда К. Маркс 1867 йил 16 августда Ф. Энгельсга ёзган мактубида шундай деганди: «Бу фақат Сенинг (тагига икки марта чизилган) менга берган ёрдаминг туфайли мумкин бўлди. Сен менга фидокорона ёрдам бермаганингда, мен уч том устидаги бунчалик катта ишнинг ҳаммасини асло бажара олмас эдим. Сени қучиб, кўпдан кўп ташаккуримни билдираман!».

Асарнинг дунёга келиб, илмий адабиётнинг дурдонасига айланишида бу икки зотнинг хизматлари бир-биридан кам эмас. Маркс даҳосини ҳеч камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, Энгельснинг беғараз ёрдамисиз асарнинг яратилиши ҳам, унинг миллионлар назарий бойлигига айланиши ҳам қийин бўлган бўлар эди. Буни уларнинг ўзаро ёзишмалари билан танишган ҳар бир киши яққол кўриши мумкин.

В. И. Ленин 1913 йилда «Олдимизда бўронли тарихий давр — пролетариат таълимоти даври турган бўлса, марксизм келажакда яна катта тантана келтиради», деган эди. Ҳозир марксизмга қарши қилинаётган барча ҳуружларга қарамасдан у ишчилар синфий курашининг мангу барҳаёт таълимоти бўлиб қолаверади.

**Тўхтамурод ТОШЕВ.**

Бугун—Матбуот куни

# ИШЧИЛАР РЎЗНОМАСИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Фрунзечи» кўп нусхали рўзномаси ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишининг самараси бўлди. Унинг саҳифаларида босилаётган ўзбек тилидаги мақолаларнинг рус тилига таржима қилиб чоп этилиши байналмилал бирлашма жамоаси учун айни муддао бўлди.

Салкам минг нусхада босилаётган ушбу рўзнома республика давлат тилида чиқа бошлаган барча цехлар бўйлаб ишчилар қўлидан-қўлига ўтиб тарқала бошлади. Улар таклиф-мулоҳазалар ва муаммоларни рўзнома саҳифалари орқали ўртоқлашадиган бўлдилар. Айниқса, 7-цех коммунистлари Ўрол Шербоев, Умида Исахўжаева, Норбиби Рўзиева ҳамда опа-сингил Ойсулув ва Жонсулув Утегеноваларнинг «Партия сафларининг софлиги учун» мавзусидаги босилган қатор мақолалари муштарийлар эътиборини қозонди.

Маълумки, бу корхона қишлоқ хўжалиги учун машиналар етказиб беради. Уларни сифатли ва бекамикўст тайёрлаб беришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Йиғув цехларида иш жараёнида содир бўлаётган айрим камчиликлар, машиналарни монтаж қилиш пайтида баъзи ускуналарнинг ўз вақтида етказиб берилмаслиги каби нуқсонлар рўзнома эътиборидан четда қолмайди. Бир гуруҳ ишчиларнинг рўзномага ёзган шикоят мактублари асосида тайёрланган «Цех нега ортда қолмоқда» мақоласи 3-темирчилик-парчинлаш цехида юз бераётган камчиликларни рўй-рост очиб ташлади.

Бирлашмада икки минг олти юз ишчи меҳнат қилади. Буларнинг кўпчилиги комсомол-ёшлардир. Лекин, корхонада ёшлар билан ишлаш масаласига етарли эътибор берилмаётган эди. Рўзноманинг дастлабки сонларидаёқ шу мавзуга эътибор берилди. «Комсомол ҳаёти» рукуни ташкил этилди. Яқинда шу туркумда берилган бирлашма комсомол ташкилотининг котиби Т. Айитбоевнинг «Ечимини кутаётган муаммолар» мақоласи катта мунозарага сабаб бўлди. Рўзнома саҳифаларида маданиймаиший ҳаёт, миллатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик мавзуларини ёритишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Унинг саҳифаларида «Ўзбек тилини ўрганамиз» — «Изучаем узбекский язык» рукуни остида ўзаро мулоқотда биринчи ўринда зарур бўлган сўзлар луғати бериб борилаётир. «Ҳ» билан ёзиладиган сўзлар», «Техникага оид сўзлар», ҳамда «Баҳор таърифидаги сўзлар» каби сарлавҳаларда берилган луғатлар корхонамиздаги бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини ўрганишларига қулайлик яратмоқда.

Ўзининг ўткир ғоявий сўзи билан минглаб кишилар қалбига йўл топа оладиган рўзномагина ўқувчисининг ҳурматига сазовор бўлади. Бунинг учун рўзнома кўпроқ ишчиларнинг кундалик турмуши ва орзу-истаклари билан яшамоғи ва уларни рўёбга чиқаришда ҳақиқий ташкилотчилик ва тарғиботчилик ролини бажармоғи лозим. Ишчилар минбари «Фрунзечи» шунга амал қилишга интилмоқда.

**Пўлат НИШОНОВ,**
**Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси «Фрунзечи» кўп нусхали рўзномасининг муҳаррири.**

# ҚУРОЛ ВА ҚАЛАМ БИЛАН

ҲОЗИРГИ чоп этилаётган жумҳурият миқёсидаги рўзнома ва жаридалар 1936-37 йилларда Усмон Юсупов кўчасидаги матбаачилик комбинатида жойлашган эди. Биз «Ленин учқуни» ва «Ёш ленинчи» рўзномалари ҳузурида ташкил этилган ёш мухбирлар тўгарагига қатнашиш учун шу ерга келардик. Шунингдек, пионерлар саройидаги ёш мухбирлар тўгаракларига ҳам иштирок этганмиз.

Бу тўгаракларни Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, Адҳам Раҳмат, Зафар Диёр, Ваҳоб Рўзимат, Шайхзода каби адиб ва шоирлар бошқаришарди.

Таҳририят остонасига етиб келгач кўпинча ходимлар олдига дафъатан кириб боришга журъат этолмасдик. Ваҳоланки, таҳририят ходимлари жуда камтарин, меҳрибон одамлар эди.

— Мақолангиз яхши ёзилган, — дерди Зифа опа Шамсутдинова. — Фактларни атрофлича олишга ўрганинг.

У маслаҳатлар бериб, кейин йўлаккача кузатиб қўярди.

Зафар Диёр думалоқдан келган, ўрта бўйли киши эди.

— Келинг шоир, нималар ёздингиз, — дейиши билан шоир бўлиб қолгандек руҳланиб кетардим.

Зафар ака ҳам, Зифа опа ҳам нима учундир болалар уйидан қатнайдиганларга алоҳида меҳр қўйишган эди. Кейин билсам Зифа опа болалар уйида тарбия олган экан.

Кунларнинг бирида «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси жойлашган қаватга чиқиб қолибман. Бир пайт узун бўйли чўтир кишига рўпара келдим. Салом бердим. У киши алик олиш ўрнига: «Ёмғирда қолибсан-ку, болам, деди-да, хонасига олиб кирди. Бир нарса демоқчи бўлгандек менга тикилиб қаради. Кимлар биландир телефонда сўзлашди. Кейин қўлимдан етаклаб Карл Маркс кўчасидаги эски универмагга олиб борди. Йўл-йўлакай ҳол-аҳвол сўради. Универмагдан сариқ чарм туфли, қора костюм харид қилдик. Сўнгра уйига олиб келди. 2-Мерганча маҳалласида турар экан. Овқатланаётганимда:

— Ота-онанг борми? — деб савол берди.

— Отамни яхши эслолмайман, онамдан адашиб кетганман, бешинчи синфда ўқийман, — дедим.



Бу киши «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг муҳаррири Рустам Абдураҳмонов экан. Шу-шу унинг хонадонига ҳар дам олиш куни бориб турадиган бўлдим. Бу орада уруш бошланиб қолди. Мен биринчилар қатори ҳаракатдаги армия сафига жўнадим.

1943 йил, 3 июнь куни Курск-Орёл-Белгород операцияси бошланди. Немис қўмондонлигининг мақсади Москва шаҳрига қайта ҳужум қилиш, пойтахтни қўлга олиш эди. Шунинг учун бу ердаги жанглар жуда ҳам шиддатли бўлди.

Бизнинг қисмимизга Яковлевка қишлоғидан Прохоровкага бориш ҳақида буйруқ келди. Жанг қилган далалар бўйлаб одимлаб кетдик. Мен батальон қозонига ўтин териб, овқат тайёрлашга ёрдам бераётган эдим. Рўпарамиздаги тупроқ томли бир хонадон олдида тўпланиб турган 5-6 кишига кўзим тушди. Ўртада капитан унвонидаги узун бўйли чўтир киши жуда таниш кўринди. Не кўз билан кўрайки, у Рустам ака Абдураҳмонов экан. Бу ерга ҳозиргина «Ватан шарафи учун» рўзномасининг таҳририяти кўчиб келибди. Драматург Зиннат Фатхуллин, «Ёш ленинчи» рўзномасининг муҳаррири Тўлаган Соатов, яна бошқа менга таниш бўлган мухбирлар ва ёзувчилар билан қучоқлашиб кўришдим.

—Ҳол-аҳвол сўрашга вақт йўқ. 252-дивизиянинг қаерда жойлашишини биламан. Эртага ортингдан етиб бораман, — деди Рустам ака.

Шундай деди-да, ўзбек тилида чиққан бир қучоқ рўзномани совға қилди. Биз ҳеч қаерда тўхтамадик. Белгородга 12 километрча етмасдан найзабозлик жанги бошланиб кетди. Яраланиб, дала госпиталига тушдим. Рустам ака кўришга келди.

—Яқинда таҳририятга Зафар Диёр келди, — деди у, — Разведкада экан. Ишга олмоқчи эдим, фронт қўмондонлиги рухсат бермади. Улар яқинда яна душман ортида жанг олиб боришар экан.

Зафар Диёр номини эшитганимда «Ленин учқуни» рўзномаси, у ерда босилиб чиққан бир неча шеърларим, хабарларим кўз олдимга келди. Рустам ака дала госпитали жарроҳи билан нималарнидир гаплашди. «Енгил-елпи ярадорларни орқага қайтармаймиз. Бу йигит яна бир ҳафтадан кейин жангга киради», — деган сўзларни эшитдим.

2-танк армияси ҳузуридаги танк ҳайдовчилар бир ойлик курсида ўқиб юрганимда дўстим Тўғон Эрназаровни учратдим. Илгари алоқа бўлимида хизмат қилар эди. Энди рўзномага ишга ўтибди. У ҳам Зафар акани кўрганини, Зифа опанинг бомба остида қолиб ҳалок бўлгани, шунингдек, Зоҳиджон Обидов ҳақида гапириб берди.

Бизнинг 2-танкчи армиямиз Польшадаги душманга Ғарбий Украинанинг Трояновка қишлоғидан ҳужум қилиб, Родзимин, Познань шаҳарларини тозалаши керак эди. Худди шундай бўлди ҳам. Оғир жанглардан кейин танк бригадамизда жуда кам киши қолдик. Ёқилғи, снаряд етишмайди. Танк десантчилари етиб келгани йўқ. Шулар ҳақида ўйлаб турганимда бригада командири чақириб қолди. Фронт рўзномасидан кимдир келиб мени сўрабди.

Тошкент радиокомитети ҳузуридаги тўгаракда болалар адабиёти ҳақида лекция ўқиган Илёс ака Муслимовни бир кўришдаёқ танидим. Отаболадай қучоқлашиб кўришиб кетдик. У киши биз олиб борган шиддатли жанглар, душманга берган зарбаларимиз ҳақида ёзмоқчи экан.

Илёс акага жанг таассуротларини айтиб бердим. Суратказ мухбир жангда жасорат кўрсатган ўзбек йигитлари, танк десантчиларини суратга олди. Ўзбекистон ҳақидаги суҳбатимиз узоққа чўзилмади. Майданек концлагерини қамал қилиш ҳақидаги буйруқни бажариш учун янги жангга киришимиз керак эди. Илёс Муслимов биз билан хайрлашар экан: «Муваффақият тилайман, омон қайтинглар», деганча қўлини силкитиб, хайрлашиб қолди.

Урушдан кейин яна устозлар билан учрашишга муяссар бўлдим. Рустам ака Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтида ишлар эканлар. Тўғон Эрназаров Тошкент олий партия мактабида дарс берарди. Фронт рўзномаларида фаолият кўрсатган Иброҳим Раҳим, Адҳам Раҳмат, Назармат ва кўплаб кишилар ижод билан шуғулланишаётган эди. Зафар ака, Зифа опа ва бошқалар урушдан қайтиб келмадилар. Бу устозларнинг хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади. Шоир айтганидек, ўлганларни унутсак, биз ҳам унутиламиз.

**Раҳматилла ИСОҚОВ,**
**Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани.**

«Оқшом» таянчлари

# ИККИНЧИ КАСБИ

У БИРОН янгилик топмаса, таҳририятга умуман қадам босмайди. Мабодо хушхабар ёки танқидий мақола кўнглига хуш ёқса аллақандай ёшариб «ярқ» этиб кулади. Одати шунақа. Кейин яна бир одати бор: у мақоласининг моҳиятини лўнда қилиб, ҳаяжондан албатта ўзи айтиб беради. Бошқа жамоатчи мухбирларда камдан-кам учрайдиган яна бир одатини айтиб қўя қолайлик. Мабодо «Фалон жойини ўзгартириб келсангиз» десангиз, сира оғринмайди, қайтага ёшлардек қувониб, шу ишга тез киришади.

Бу гал ҳам (байрам арафасида!) хушхабар билан келди. Воажаб, энди бошқа бировлар ҳақида эмас... ўзи тўғрисида янгилик олиб келибди! «Бахтимиз учун курашганлар» туркумида рўзномамизда 20-оловли йилларда жасорат кўрсатган комсомол ёшлардан Фотима Сиддиқова ва бошқалар ҳақида қизиқарли мақолалар эълон қилган эди. Ҳатто бу жасур қизнинг номини абадийлаштириш мақсадида «Қизил изтопарлар» билан изланишни давом эттирди. Ниҳоят, Фотима 1928 йил 18 февралда Қирариқ қишлоғида (ҳозирги Тошкент район Абдураҳмонов номли совхозда) фожиали ўлдирилганлигини қишлоқ кексаларидан сўраб аниқлади.

Шундан сўнг Фотимага ёдгорлик ўрнатилди. Ҳозир шаҳардаги йирик кўчалардан бири ва Абдураҳмонов номли совхоздаги кўча Фотима Сиддиқова номи билан аталади.

Бу Ҳамидулла ака Йўлдошевнинг мухбирлик фаолиятидан бир шингили, холос. Яқинда унинг ҳаётида қувончли воқеа юз берди.

Маълумки, матбуотда 1989 йилнинг 18 ноябрида «Адабиёт, санъат, журналистика, архитектура ва пионерларнинг бадиий ҳаваскорлик ижодкорлиги соҳасида В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг муқофотига тақдим этиш ҳақида низом» эълон қилинган эди. Ҳамидулла ака шу низомни ўқиб, ўзининг 25 йиллик ижодий фаолияти даврида пионер ва комсомоллар ҳаётидан ёзган мақола ва лавҳаларини алоҳида альбомга жамлади ва бир неча сурат-лавҳалар билан бирга биринчи комсомол қиз Фотима Сиддиқова (1908 — 1928)нинг фожиали ҳаёт йўлини акс эттирувчи, мактаб саҳнаси учун ёзилган «Ўт юраклар» драмасини (бу драма «Ленин учқуни» рўзномасининг 1988 йил 21 июнь сонида босилган) Москвага — В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилоти Марказий Кенгашининг комиссияси ихтиёрига йўллади.

Мана, қўлимизда «Пионерская правда» рўзномасининг шу йил 3 апрель сони. Унда биринчи марта таъсис этилган ана шу мукофотга тавсия этилганлар рўйхатида Ҳамидулла Йўлдошев номи ҳам бор.

Энди икки оғиз сўз унинг ўзи ҳақида. У «Тошкент оқшоми» рўзномаси ташкил топган кундан бошлаб фаол қатнашиб келяпти. Рўзнома ва жаридаларда босилган мақолаларини қирқиб алоҳида альбомларга ёпиштириб боради, ҳозир 12-альбомни тўлдиряпти.

— Мухбирликка қачон қизиққансиз?

—Ёшлигимдан, — дейди у,—шаҳардаги 77-етти йиллик мактабда ўқиган вақтимда қизиққанман. 1941 йилда САГУ (ҳозирги ТошДУ) нинг филология факультетига кирдим, 1946 йилда тугатиб, матбуот соҳасида ишламоқчи бўлдим. Аммо мактаб директори Маҳамад Шодмонов: «Ўғлим, кўриб турибсан, мактабимизда ўқитувчи етишмаётир, бўш вақтингда мухбирлик қилсанг ҳам бўлади», — деди. Шу-шу 24-ўрта мактабда педагоглик қилдим. Мухбирлик эса иккинчи касбим бўлиб қолди.

Ҳозир Ҳ. Йўлдошев салкам 70 ёшда. Аммо ҳамон йигитлардек елиб-югуриб, муштарийларга яна қандай янгиликлар келтирсам экан деб юрибди...

**Ҳамид ИКРОМОВ.**

Ҳамкасбларимиз



# ҲАМНАФАС, ҲАМДАРД, ҲАМДАМ

ХАЛҚИМИЗДА чиройли бир ибора бор: «Одам одамнинг тафтини олади». Заҳматкаш қалам соҳиби Тўлқин ака Рустамовнинг саксон йиллик умрини сарҳисоб этиб, бу иборанинг икки сўзини ўзгартирган ҳолда: «Одам одамга мададкор», дегим келди.

Умрини бир инсоннинг олами деб фараз этсак, башариятнинг умри дунё қадар мукаммал экани кўз ўнгимизда салобат билан жонланади. Одам ҳаётда ҳеч қачон бир ўзи, якка яшолмайди, яшаганда ҳам уни умр деб бўлмайди. Одамлар билан ҳамнафас, ҳамдард, ҳамдам ҳолда ҳаёт гаштини суриш умрнинг лаззати ҳисобланади. Тўлқин ака шундай лазизу азиз ҳаёт сурурини сураяпти. У ёшлигидан етимликнинг аччиқ қисматини бошдан кечирди.

— Отамдан ҳам, биттаю битта акамдан ҳам жуда ёш вақтимда жудо бўлиб қолдим, — деб ёзади Тўлқин ака бир хотира лавҳасида. — Қовунчи, ҳозирги Янгийўл етимхонасида тўрт йил тарбияланиб, йигирма бешинчи йили Тошкентдаги ўзбек эрлар билим юрти остонасига биринчи қадам қўйдим. Қураматоғ қишлоғининг оддий бўзболаси шўролар шарофати билан шу мўътабар илм даргоҳига етиб келдим. Яна шу масканда билимга ташна дўстларим — Мирзакалон Исмоилий ва Миртемир Турсуновлар билан танишишим, улар билан бир даврада қалам тебратишим менга ҳузур, умримга нур бахш этди.

Илк бор Тўлқин ака Рустамов мана шу илм даргоҳида ўқиб юрганда мақолалар ёзиб «Ёш ленинчи» ва «Қизил Ўзбекистон» рўзномаларига актив қатнаша бошлади. Унинг иқтидорини сезган рўзномалардаги муҳаррирлар ишонч билан топшириқлар беришарди. Тошкент вилоятининг Чоштепа, Тўйтепа, Шўралисой, Қовунчи қишлоқлари ҳаётидан долзарб масалаларда ўткир мақолалар ёзди, булар ўша пайтда жамоа хўжалиги ва янги ерларни ўзлаштиришда муҳим омил бўлди.

— Матбуотга янада эпчилроқ қатнаша бошладим, — деб вазмин хаёлга чўмади Тўлқин ака. — Ажойиб мураббийлар орттирдим. Қосим Сорокин, Зиё Саид, Аъзам Аюб, Вали Алломовлар қаламкашликнинг сирларини ўргатишар, мақолаларимни бирга таҳрир қилишар, турли қўлланма-китоблар топиб бериб, маҳорат эгаллашимда мададкор-ҳамкор бўлишар эди.

Қаламкашнинг иқтидори «Ёш ленинчи» рўзномасида мудир бўлиб ишлаётганида алоҳида намоён бўлди. Сўнг жумҳурият Маориф вазирлиги қошидаги санъат бошқармасида комсомол вакили, Ўзбекистон Давлат нашриётининг ёшлар адабиёти бўлимининг штатсиз редактори бўлиб хизмат қилди. Бу ерда у Мақсуд Шайхзода ва Насрулло Охундийлар билан ҳамкорликда ишлади. Тўлқин ака адабий мунозараларда қатнашиб, ўнлаб илмий-бадиий мақолалар ёзди ва жумҳурият матбуотларида эълон қилди. Айниқса, В. Шекспирнинг «Гамлет», К. Яшиннинг «Икки коммунист», «Гулсара», «Нурхон», Зиё Саид ва Назир Сафаровнинг «Тарих тилга кирди» саҳна асарлари, Ҳалима Носирова, Аброр Ҳидоятов ва Сора Эшонтўраеваларнинг санъатдаги маҳоратларини талқин этган мақолалари оғиздан оғизга ўтиб юрди.

Тўлқин ака Наманган вилоят рўзномасида муҳаррир, сўнг Улуғ Ватан жанггоҳларида ўзбек тилида рўзнома, жарида, китоб ва варақалар чиқаришда, бир қўлида қалам, бир қўлида қурол билан Улуғ Ғалабага ҳисса қўшди. Урушдан қайтгач, Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» рўзномасида муҳаррир лавозимида ишлади. Сўнг Москвада партия Олий мактабида уч йил таҳсил олиб қайтди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлимида сектор мудири. 1955 йилдан беш йил давомида Хоразм область партия комитетининг биринчи котиби лавозимларида хизмат қилди.

— Умримнинг деярли ўн икки йили нашриётлардаги хизматда кечди, — деб эслайди Тўлқин ака. — Аввал «Ўзбекистон» нашриётида бош муҳаррир, сўнг Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида директор бўлиб ишладим. Мен ана шу жамоага бошчилик қилган йилларимни ҳаётим, фаолиятимнинг мазмунга бой дамлари деб фахрланиб юрама[illegible]

**Тўлқин РАСУЛЕВ.**

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

# ЧИН СЎЗ МЎЪТАБАР

⊙ Сўзи ҳисобсиз — ўзи ҳисобсиз.
⊙ Кўп деган кўн енгилур.
⊙ Кўп демак сўзга мағрурлуқ.
⊙ Тилингни ихтиёрингда асрағил, Сўзингни эҳтиёт била дегил!
⊙ Сўзида паришонлик — ўзида пушаймонлиқ.
⊙ Кўнгулга футур ўлмайин роз очилмас. Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас.
⊙ Чин сўзни ёлғонга чулғама, чин айта олур тилни ёлғонга булғама.
⊙ Ёлғончи ҳар неча сўзида фасиҳроқ, сўзи қабиҳроқ.
⊙ Бировким, ёлғон сўзни бировга боғлагай, ўз қора бўлган юзин ёғлагай.
⊙ Ҳар кимки, сўзи чин бўлмагай, ростлар кўнглига ул сўз қабулойин бўлмагай.
⊙ Ёмон тилли, андоқим эл кўнглига жароҳат еткурур, ўз бошига ҳам офат еткурур.
⊙ Сўзни кўнглунгда пишқармағунча тилга келтурма, ҳар неким, кўнглунгда бўлса тилга сурма!
⊙ Айтур сўзни айт, айтмас сўздан қайт!
⊙ Чин сўз мўътабар, яхши мухтасар.

**Алишер НАВОИЙ.**



«Ўқитувчи—90» саёҳатчилар поездида Украина, Молдавия, РСФСР ва бошқа республикаларга борган ўқитувчилар Ватанимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди. Волгоград шаҳрида эса Улуғ Ватан уруши пайтида шаҳар мудофаасида иштирок этиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўзбек жангчиларининг қабрини зиёрат қилдилар. Айниқса, Мамай қўрғонидаги душман билан қонли тўқнашувлар, мислсиз жасоратлар ҳақида кўп воқеаларни эшитишди. Шунингдек, шаҳар пионерлар саройида шу мавзуда ташкил этилган кўргазмалар, суратли альбомларни кўздан кечириши.

СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район халқ таълими бўлимининг инспектори Л. Ажмякова (ўнг томонда) ва 22-ўрта мактаб ўқитувчиси Р. Мусахўжаевлар пионерлар саройига эсдалик совғалари топширишаяпти.

Х. Мирзакаримов суратлари.

# ПАЙРОВ

ИКРОМ АКА АКБАР АКАГА қараб:

— Дўстим, сиз рўзномаларга обуна бўлдингизми? Ёки бу йил ҳам рўзнома излаб кутубхонама-кутубхона сандирақлаб юрасизми-а?

АКБАР АКА. Юз бор айтаман сизга, бир гапни айтишдан олдин яхшилаб ўйланг деб. Мен аллақачон обуна бўлганман. Гапнинг «Ҳақиқат»и, ҳали ўзингиз уйқудасиз.

ИКРОМ АКА. Тўғри, дўстларимдан бири сиз-сиз-ку, гоҳо-гоҳо гапиздан чалғиб кетасиз, худди ёш болаларга ўхшаб. Аввало саводимни «Ленин учқуни»дан чиқарганимни яхши билмайдигандек гапиряпсиз.

АКБАР АКА. Мана энди тушундим гапизга, дўстим. Инсон нутқи болаликдан бошланишини. Мен ҳам бир вақтлар бурро-бурро сўзлаганман. Айтмасангиз ҳам билардим, ҳар ишга тайёр, забардаст «Ёш ленинчи»ларданлигизни.

ИКРОМ АКА. Ҳа-ҳа, дўстим. Мана, комсомол йигит-қизларимиз ёппасига зарбдор қурилишларда меҳнат қилишяпти. Шу ёшга кириб наҳотки уларни билмайсиз. Ахир ақлиз нимага етади ўзи? Ким айтади сизни ҳамма янгиликлардан хабардор серқуёш «Совет Ўзбекистони»да яшайди деб.

АКБАР АКА. Бироз янглишибман, бехабар қолибман, узр дўстим. Кексалик-да кексалик. Бизнинг ёшларимиз шаҳардами, «Қишлоқ»дами, қаерда бўлмасин ишни дўндиришади. Қани энди сиз ҳам бир йигитчасига улкан қурилишларда иштирок этсангиз. Ё ҳали ҳам одамларга айтармидиз, ҳеч қачон ишга бормайман, бировни эркасиман деб-а?

ИКРОМ АКА. Бу гапиз билан мени доғда қолдиролмайсиз, илғор ишчиман. Жаҳлимни чиқариш учун атайлаб, шу гапларни гапиряпсиз, биламан дўстим. Жиғимга тегаверсангиз ҳа деб, ноилож кундузи эмас, ҳатто «Тошкент оқшоми»да ҳам гаплашавераман, яккама-якка.

АКБАР АКА. Мен сизнинг жиғизга атайлаб текан эдим, тўғри айтдиз, дўстим. Шунга ҳам дарров хафа бўлдизми? Илгарилари ҳазилни тушунар эдингиз. Энди эса мана асабингиз бўшашиб қолибди, дарров жаҳлиз чиқяпти. Сизга дўстлик маслаҳатим шуки, бир «Педиатр»га бориб келинг, асабни асранг, асабни.

ИКРОМ АКА. Асабим ҳали мустаҳкам, унчамунча ҳазилизни кўнглимга олмайман. Энди фақат ҳақиқатга қулоқ соламан, «Коммунист»манда, ҳақгўй.

АКБАР АКА. Ўзим ҳам айтувдима «Коммунизм тонги» отяпти деб.

ИКРОМОВ АКА. Мана мен ҳалол меҳнатим билан илдам боряпман, сизга ўхшаб. Моҳир ишчиман, кўринг-а «Мотор»ни қандай ишлатишимни бир.

АКБАР АКА. Ие, ҳали менинг «Ударник»лигимни унутиб қўйганга ўхшайсиз.

ИКРОМ АКА. Яқинда ишга кирган бўлсам ҳам дастгоҳни юритишни тез ўрганиб олдим, устозимдан, дўстим. Сиз бўлсангиз устага ялиниб юрибсиз, уқувингиз йўқда ўзи. Фақат мақтанишни биласиз, холос. Яна айтаманки, мен жуда яхши ишчиман. Республика рўзномасида бўлмаса ҳам илғорлигимни назарга олиб «Қизил шарқчилар бонги»да ёзишибди, ҳатто расмим ҳам бор, бир қаранг.

АКБАР АКА. Шунча йил ишлаб энди мақташдими? Мен ишда сиздан ҳеч қолишмайман. Совхозда кўзга кўринган ишчиман. «Шонли меҳнат»да чиққанман, бир бет бўлиб.

ИКРОМ АКА. Илгари шу ҳақда гапирганизда ҳеч ишонмаган эдим, бу эски «Тўқимачи»ку деб. Хайрият гапиз тўғрига ўхшайди.

АКБАР АКА. Ўзимнинг қандайлигимни сизга кўрсатиб қўйдимда, бир. Қани, етакчи бўлсангиз юринг ишхонангизга. Илғорлар тахтасида ҳатто бирор «Сурьат»из ҳам йўқ. Қолоқсиз—қолоқ...

ИКРОМ АКА. Мана дўстим «Рўзномалар» пайрови баҳонасида бир-биримиз билан роса аския айтишдик. Тушлик вақти тугади. Шу зайлда ишдан қолиб гап сотиб ўтираверсак тағин «Оқшом»нинг жажжи рўзномаси «Маҳалладош»га ёзилиб қолмайлик, мунозара бўлиб. Қани кетдик-е ишга!..

**Абдулла ТОЛИПОВ.**

Ҳамкорлик қирралари

# КИТОБ — ДЎСТ ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПАДИ

Виль Гримич туфайли украин китобхонлари ўзбек адабиётининг кўпгина асарлари билан танишишга муяссар бўлдилар. У ўзбек шеърияти, насри ва халқ оғзаки ижодиётининг зўр билимдони, таржимон бўлиб, кўп йиллар мобайнида икки қардош республика ўртасида ўзига хос дўстлик кўпригини солиб келди. Виль Гримич Ўзбекистонга тўртта китоб юборди.

Киевнинг «Днипро» нашриёти чиқарган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий «шеърияти» тўплами энг аввало мактаб ёшидаги болаларга аталган. Виль Гримич ана шу нашрни тузиб, унга ўзбек совет адабиётининг асосчиси тўғрисида муқаддима ёзди. Китобда ўзбек тилидан таржимага киритилган сўзларига тушунтиришлар ҳам берилган.

Бошқа китоб ёзувчи Ўлмас Умарбеков қаламига мансуб бўлиб, Виль Гримич адибнинг катта драматургияси ижодиётидан «Жўра қишлоқ» ва «Чўли ироқ» пъесаларини танлаб олди. Бу тўплам «Молодь» нашриётида босмадан чиқарилди.

«Веселка» нашриёти эса «СССР халқлари эртаклари»ни кўп минг нусхада чиқарди. Ана шу ранг-баранг нашрдан Виль Гримич украин тилига таржима қилган ўзбек ривоятлари ва афсоналари ҳам ўрин олган.

Ва ниҳоят, тўртинчи китоб. Бу «Днипро» нашриётида тайёрланган «Ўзбек замонавий насри» тўпламидир. Украин китобхонлари ўзбек совет ёзувчиларининг ижоди билан ҳеч қачон бу қадар кенг танишиш имкониятига эга бўлмаган эди. Бу нашрда Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Мирмуҳсин, Ўткир Ҳошимов, Ўлмас Умарбеков, Шукур Ҳолмирзаев, Тоҳир Малик, Мақсуд Қориев, Шаҳодат Исахонова ва бошқа муаллифларнинг асарлари тўпланган. Бир таржимон ана шунча бадиий асарни таржима қилиши мушкул иш. Шунинг учун бу тўпламни В. Гримич билан бирга Г. Еременко, Т. Соломах, Н. Кравченко, О. Петренко, В. Медвед ва бошқалар тайёрлашди.

Украин тилига янги таржималар адабий алоқалар тобора кенгайиб бораётганлигининг далилларидан биридир. Украинада ҳам, ўзбеклар диёрида ҳам бўлиб ўтган қардош маданиятлар кунлари ана шу алоқаларга омил бахш этди. Халқларимизнинг маънавий яқинлиги чуқур илдиз отган. Тарас Шевченко Туркистонда украин адабиёти вакилларидан бири бўлган, у Орол денгизи соҳилларига сургун қилинган эди. Эркин, янги оила тўғрисида орзу қилган инқилобчи шоир йўқчиликдан эзилган ўлка кўчманчи халқларининг асрий орзу-умидларини мадҳ этди. Иван Франко, Михаил Коцюбинский, Марко, Вовчок, бошқа украин адибларининг номлари Туркистон зиёлилари даврасида кенг танилган эди. Тошкент томошабинлари эса Иван Котляревскийнинг «Наталка — Полтавка», Михаил Старицкийнинг «Маруся Богуславка» пъесаларини саҳнада кўришган.

Совет даврида кўпгина ижодкорлар маданиятлар ҳамкорлигини мустаҳкамладилар. Иван Ленинг ўзбек диёрида социализм қурилиши ҳақида ҳикоя қилувчи «Роман Межгорья» («Тоғлар ўлкаси ҳақида қисса») китоби, Ўйғуннинг «Украинадан эсган шамол», Миртемирнинг «Менинг Украинам» поэмалари республика адиблари ўртасидаги ижодий алоқалар қарор топиб, ривожланишида муҳим паллага айланди. «Ўзбекистон шеърияти» шеърий туркумларининг муаллифи Микола Бажан эса ўзбек адабиётини Украинада тарғиб этиш борасидаги катта ишлари учун Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлди.

Ана шу қардошлик алоқалари бизнинг кунларимизда ҳам мустаҳкамдир. Украина нашриётларида Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Солиҳ, Темир Пўлатовнинг тўпламлари чиқарилди. Ўзбекистон нашриётларида эса Украина адабиёти классиклари билан бирга замонавий адибларнинг асарлари ҳам чиқарилди.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси қошида ташкил этилган бадиий таржима маркази миллий адабиётларни оммалаштириш учун таржимонларни мақсадга мувофиқ равишда тайёрлаш тўғрисидаги масалани ўртага қўйди. Бунинг учун ўзбекистонлик студентлар қардош республикаларнинг олий мактабларида таълим олиб, улар халқларнинг тилини ўрганадилар. Бизнинг олий мактабларимизга мамлакатимиз бошқа ўлкаларидан вакиллар келишади. Ўз мамлакатимиз халқлари маданияти ва адабиётини билсак, биз бир-биримизни янада яхшироқ тушунадиган бўламиз, — деб якунлайди ўз мақоласини ЎзТАГ мухбири Э. Тухватуллина.



⊙ МУСАВВИРНИНГ НАФОСАТИ РАНГ-БЎЕҚЛАР ЖИЛВАСИДА НАМОЁН БЎЛАДИ. Мусаввир О. Бобожоновнинг мана бу «Шамсирўй» асарида инсон ва табиат ҳамоҳанг яратилгани билан диққатни ўзига тортади.

Р. Шарипов сурат-лавҳаси.

Санъатнинг сеҳрли олами

# «ГУЛ ФАСЛИ, БАҲОР КЕЛДИ...»



⊙ «Ҳурматли редакция! Яқинда мен «Ойнан жаҳон» кўрсатувларини кўриб ўтириб хонанда Жўрабек Рўзиевнинг қўшиғини ҳам тингладим. У қандайдир бошқаларга ўхшамайдиган жозиба билан куйлади. Илтимос, шу хонанда ҳақида маълумот берсангиз.

Салом билан Ш. ИСКАНДАРОВА, Янгийўл шаҳри».

**На ҳолатдир аё дўстлар,**
**Ажаб ҳайрона Машрабман**
**Кўролмай гулузоримни,**
**Басе, гирёна Машрабман...**

Бу қўшиқ улуғ шоиримиз Машрабнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган «Унутилмас сатрлар» кўрсатувида экран орқали айтилганди. Кишини ўйга толдирувчи, узоқ ўтмишга етакловчи нидо эди бу. У ўзига хос услуб билан, дард билан куйлаган эди. Тинглаб бўлгач ўйланиб қолдим: ким айтди уни? Овозини ўзим билган, таниган ижодкорларнинг ҳеч бириникига ўхшатолмадим. Бу савол бир-икки кун ўйлатиб юрди-ю, кейин иш, ташвишлар билан бўлиб унутдим. Фақат юқоридаги илтимосномагина саволимга жавоб топишимга имкон берди. Дарҳақиқат, санъат оламига катта умидлар билан кирган инсон борки, албатта ўз ўрнини эртами-кечми топар экан.

Жўрабек асли қашқадарёлик. 1955 йили Қарши районидаги К. Маркс номли совхозда деҳқон оиласида дунёга келди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ санъатга меҳр қўйди. Боладаги ёнтилишни ашула ўқитувчиси Пўлатхон Мусаев вақтида пайқади. Жўрабек билан жиддий ишлай бошлади. Устоз-шогирднинг тинимсиз меҳнатлари аста-секин ўз натижасини кўрсата бошлади. Пўлатхон аканинг раҳбарлигида район, вилоят кўрикларида ғолиб чиқди.

Ўрта мактабни 1971 йили тугатгач Қарши маданият техникумига ўқишга кирди. Техникумда таҳсил олиб юрган кезлари «Зеҳн», «Биз Қашқадарёданмиз» телекўрсатувларида қатнашди. Бу ҳам унинг учун ўзига хос синов, камолот пиллапояси вазифасини ўтади.

Чексиз орзулар ёш санъаткорга тинчлик бермасди. У билимини ошириш мақсадида 1976 йили Тошкентга келди ва Маданият институтига ҳужжатларини топширди. Ушбу илм даргоҳидаги тўрт йиллик таълим унга кўп нарса берди. Таниқли хонанда Раҳимжон Исмоилов, бастакор Раҳматжон Турсунов ва ўқитувчи Фахриддин Ашрафхўжаев Жўрабекка қўлларидан келган ёрдамни аяшмади.

Дарвоқе, устозлари ҳақида гап кетганда у Ўзбекистон ССР халқ артисти, бастакор Ҳаким Нишонов номини алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Ҳаким аканинг бевосита раҳбарлигида ёш санъаткор талай қўшиқларни куйга солди, «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ кўригида мутахассислар эътиборини қозонди, совриндор бўлди. Ҳозир унинг репертуарида «Ёр келди» (Ҳабибий), «Соғиниб» (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий), «Кел, маҳбубам», «Хайр дема» (А. Қосимов), «Келсангиз», «Эй янги йил», «Севимли дилдор» (У. Абдуазимова), «Гуллар раъносин кўрдим» (М. Раҳмонов) каби қўшиқлар асосий ўринни эгаллайди. Шулар ичида айниқса «Ёр келди» қўшиғини қандайдир ҳаяжон билан, қалби ҳисларга тўлиб айтади. Шоирнинг ёрни баҳорга, гулга ўхшатишидан завқланади.

**Ёр келдию, ёр келди,**
**Гул фасли, баҳор келди.**
**Гул-гул очилиб яъни,**
**Гулчеҳра нигор келди.**

Жўрабек Рўзиев Муҳиддин Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармониясининг «Гўзал» ансамблида ишлаб юрган кезларидаёқ Машраб ижодига қизиқиши ортиб, шеъриятини жиддий ўргана бошлаган эди. Машраб асарларини маҳорат билан ижро этадиган устоз санъаткорларнинг ашулаларини такрор ва такрор эшитди. Ниҳоят яқинда Ҳаким ака ва Жўрақул Шукуров билан биргаликда буюк шоир сўзи билан айтиладиган «Машрабман» шеърига куй басталади. Бу ашула тез кунлар ичида санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилади.

Санъатда ўз ўрнини, ўз йўлини топиб элга танилиб бораётган бу қўшиқчи доим изланишда.

Равшан АБДУЛХАЕВ.

Шеърий фельетон

# СУВЛИ СУТ

**Бизнинг азим Тошканда,**
**Кулгинг келар кўп ишга.**
**Лекин, дўстим гоҳида,**
**Ҳайрондурсан кулишга.**
**Масалан, ярим тунда,**
**Ширин уйқуни бузиб,**
**Сут ташувчи машина —**
**«Дит» дейди узиб-узиб.**
**Ухлаб ётган қоровул,**
**Ҳадеганда турмайди.**
**Бахтига дўконини,**
**Ўғри зоти урмайди.**
**Сут машина «дит-дит»лаб**
**Маҳаллани уйғотар.**
**Қоровул-чи, бепарво,**
**Хурракни уриб ётар.**
**Айвонга чиқиб бир пайт,**
**Бўралаб сўкар кимдир.**




**Яна кимдир бақирар:**
**Уриб ойнасин синдир!**
**Лом-мим демай ҳайдовчи,**
**Моторини ўчирар**
**Номерини шу заҳот,**
**Кимдир оққа кўчирар.**
**Хуноб бўлган ҳайдовчи,**
**Пастга тушар қалтираб.**
**Қоровул ҳам кўринар,**
**Тилла тиши ялтираб.**
**Салом-аликдан кейин,**
**Бошланар қинғир ишлар.**
**Сут билан тўлдирилар,**
**Сув солинган идишлар.**
**Қилмишидан шод бўлиб,**
**Нос отаркан қоровул.**
**Шофёр ҳам чаққонгина,**
**Ўзга ёққа олар йўл.**




**Одамлар-чи, одамлар,**
**Сутга келар саҳарлаб.**
**Ҳеч ким билмайди сутнинг**
**Қўйилганин «заҳарлаб».**
**Бир кун биров сўради:**
**— Сут нечун ғалатироқ?**
**Сут сотувчи ҳўмрайди:**
**— Олмасанг тур нарироқ!**
**Бундай пайтда орқадан,**
**Такиллаб туриб тиши —**
**Сотувчини қўлларди,**
**Уч-тўртта сутхўр киши.**
**Қарабсизки сотувчи,**
**Ҳайдаб «қора булут»ни—**
**Яйраб-яшнаб сотарди,**
**Сувга қўшилган сутни.**
**Хуллас калом уч дўстга,**
**Кулиб боққанди омад.**




**«Арра» қилинар эди,**
**Сутдан тушган даромад.**
**Еганлари ош, шашлик,**
**Минганлари «Жигули».**
**Ялтага ҳам элтарди,**
**Сув қўшилган сут пули.**
**Уй-рўзғор ҳам бут эди,**
**Молу дунё жойида.**
**Қаранг, шундай турмушни,**
**Кўролмади «биров»лар.**
**Фош қилиб қинғир ишни,**
**Йўлга қўйишди ғовлар.**
**Алқисса: сутга сувни,**
**Қўша кўрманг ҳеч қачон,**
**Едингиздан чиқмасин,**
**Қиссадаги учовлон.**

Нуриддин ОЧИЛОВ.

# ШАНБА ОҚШОМИДА

Табиатшунос ён дафтаридан

# ЎЧ ОЛАДИГАН ЎТ

**⊙ Бўстонлиқ икки миллионли Тошкент шаҳри аҳолисининг энг севимли табиат гўшаларидан. Унинг беқиёс гўзалликларини эртак каби ҳикоя қилиш мумкин. Агар сиз бу гулшанни сайру саёҳат қилсангиз битмас-туганмас бойликлари, оромбахш табиати, сервиқор тоғлари сирлари билан ошно бўласиз.**

**«Чимён» саёҳат базаси вакили Икром Ёқубов билан ҳамроҳ бўлиб, ўсимликлар дунёси ҳақидаги қизиқарли мўъжаз ҳикоялар тинглашга муяссар бўлганман.**

КУЗ ойлари эди. Тоғлар бағридаги сув селгиган жойлардаги ўт-ўланлар қовжирай бошлаган, куз иси келиб турарди.

—. Анави ўсимликка қаранг-а, — деди Икром Ёқубов сўқмоқдан анча наридаги одам бўйидан сал пастроқ келадиган ўсимликни кўрсатаркан. Атрофидаги ўтлар олтин ранг торта бошлаган бўлса-да, у фасли баҳордагидек кўм-кўк кўкариб турарди. Во ажаб!

— Кузда ўсадиган хилими? — сўрайман ундан.

— Йўқ, доим шундай, баҳордан то кузгача ям-яшил бўлиб туравераді. Унинг шакл-шамойилига қаранг... Шохлари ярим қулоч келиб, поясидан узоқлашган сари учи кўтарила борган.. Шаҳарда жазирама иссиқ бўлганда ҳам, тоғда аҳён-аҳён булутлар «сайри» пайдо бўлади, зумрад томчиларини бир сидра сепиб ўтишади, тунда эса ўт-ўланларга шудринг тушади. Бу ўсимлик ундан баҳраманд бўлиб гуркираб ўсаверади. Бу ҳам сим-сим табиатнинг яна бир сири.

Тоғ томон ўрмалаган сўқмоқдан кўтарилар эканмиз, ҳамроҳим бугдой поясидан анча ингичка, ер бўйлаб ўсадиган ўтни кўрсатди.

— Агар шу ўтни сигир еса сути жуда кўпаяди-да. Унинг бу жиҳати, алкалоидли томонлари илмий китобларда ёзилган, — дейди у.

Ўт худди қуруқ чўпга ўхшайди. Фақат у ер-бу ерида сичқон қулоғидек барг чиқарган. Мен бунга унча эътибор бермадим.

У пинҳона кулиб қўйдида, табассумини яшира олмай бир воқеани сўзлаб берди:

— Бир танишим турмуш ўртоғидан хабар олгани туғруқхонага борибди. Шу ўтдан озгина олволган экан. Дамлаб ичинглар, болага яхши бўлади, — дебди. Буни эшитган аёллар шошибпишиб дамлаб ичишибди. Индини борса ҳамма ундан тескари бурилармиш. Сутлари шунақа кўпайиб кетибдики...

Иккимиз тоза кулишдик.

— Кейинги вақтларда Чимёнга дам олишга келувчилар жуда кўпайиб кетди, —дейди Икром ака. — Бу яхши, лекин минг афсуски, кўп одамлар табиат марҳаматидан баҳраманд бўладилару, лекин эртанги кунни ўйлашмайди. Ҳаммаёқни топтаб ташлашади. Улар ортидан оёқ ости бўлган ўсимликлар, кул, ахлат қолади. Бу ерда эса доривор ўсимликлар жуда кўп. Айримлари йўқолиб кетаяпти. Қўли югурдак «табиат шайдолари» кўп узиб, беш қадам юрмай улоқтириб кетаверадилар. Ўсимлик гуллашга ҳам етолмай қолади. Гулламагач, насл қолдирмай йўқолаверади. Мен шундай қўли югурдакларни ўсимлик жазолаганини ҳам кўп кўрганман.

— Қандай? — ҳайрон бўлиб сўрайман.

— Маҳаллий тилда шумўт дейдиган ўт бор. Ўзи жуда чиройли гуллайди. Узаман деб қўл теккизсангиз, қўлни куйдиради. Эфир мойига бой. Мол, қўйнинг оғзи тегса куйдириб, яра-чақа қилиб юборади.

Гуликонсойдан кўтарилиб, Чимён катта тоғ йўлига ошиб тушганимизда Икромжон бирдан «Топдим, топдим,, мана кўринг, шумўти», — деб қолди.

Ўсимлик кўм-кўк, шохлари қалин. Бўйи 30—40 сантиметр. Ҳамроҳим ўсимликка яқин келиб гугурт чақди. Ўсимлик «пов» этиб ёниб кетди. Бир вақт қарасам ўсимлик яна кўм-кўк ҳолда турибди, атрофидаги ўтларнинг эса жизғанаги чиққан. Бу ўсимлик ўзидан атрофга эфир мойи пуркашини, ким унга тегса заҳарланишини шунда билиб олдим.

Табиат антиқа сирларга бой. Ким унга озор берса, у ҳам ўч олади, жазолайди. Мана, баҳор фасли бошланди. Азим Тошкент шаҳри аҳолиси бундан буён тоғ ён бағирларида дам олишга ошиқишади. Табиат ғуборимизни кўтаради, жисмимизни чарчоқлик ҳисларидан халос этиб, куч-қувват бахш этади. Кайфиятимизни кўтаради.

Азиз ҳамшаҳарлар, табиатга дўст бўлсангиз, уни топтаманг, наботот ва ҳайвонот оламига меҳр билан муносабатда бўлинг. У доимо қулф уриб яшнаб турсин.

Будур ПЎЛАТОВ.



⊙ «ОНА ВА ҚИЗАЛОҚ»

Т. Каримов сурат-лавҳаси.




## ФАН СОҲАСИДА

⊙ Ўрта аср Шарқининг буюк олими Муҳаммад ал-Хоразмий 830 йилларда «Ҳисоб алжабр вал-Муқабала» китобини ёзган. Бу асар биринчи маротаба алгебрани арифметикадан ажратиб, мустақил ечиш методлари ва усулларига эга эканини кўрсатди.

⊙ 1929 йилнинг августида Тошкент геофизика обсерваториясининг ходими М. С. Жуков Қуёшнинг ультрабинафша нуридаги радиацияни ўлчашни йўлга қўйди. Бундай иш СССРда биринчи марта амалга оширилган эди.

⊙ Совет Иттифоқида ягона бўлган Улуғбек номли Китоб кенглик станциясида 1930 йилнинг 14 ноябрида биринчи илмий текшириш ишлари бошланди.

⊙ Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Қорлиқ ғорида аллақандай минерал пайдо бўлаётгани маълум эди. 1962 йилда ўша минералдан намуна олиниб, текшириб кўрилганда, унинг ажойиб рангларни ўзида мужассамлаштирганлиги маълум бўлди. Аниқланишича у меъморчиликда ишлатишга қулай бўлган олачипор мармар тош оникс экан. Шундай қилиб, Ўрта Осиёда биринчи ва ЭНГ катта оникс кони очилди.

Акбар АЛИЕВ.

## СПОРТДА

⊙ Ўткир Йўлдошев сувга сакраш бўйича Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони ҳисобланади. Шунингдек, у спортнинг шу турида СССР спорт устаси унвонига сазовор бўлган биринчи спортчидир. Батутда сакрашда ҳам у биринчи ғолиб ва Ўзбекистоннинг биринчи тренеридир.

⊙ Эркин Каримов ўзбек оғир атлетикасини ЭНГ юқори чўчнига олиб чиққан паҳлавондир. У бир неча марта жаҳон рекордини янгилади. У СССР халқлари IV спартакиадасида (ўзбекистонлик штангачилар орасида биринчи) чемпиони ҳамдир. 1972 йили ўтказилган мусобақада эса 156 килограмм оғирликдаги штангани силтаб кўтаришда жаҳон рекордини ўрнатган. У яна Ўзбекистон чемпиони унвонига ЭНГ кўп (14 марта) сазовор бўлган спортчи ҳамдир.

⊙ Самарқандлик Ҳамроқул Маматқулов (ёшлар ўртасида) жаҳон биринчилигининг ЭНГ юқори погонасига кўтарилган биринчи паҳлавон ҳисобланади.

⊙ Ўзбек спорти довруғини жаҳонга таратишда паҳлавонларимиз спортнинг бошқа турларига нисбатан ЭНГ кўп натижа кўрсатишган. Халқаро классдаги СССР спорт усталари Э. Каримов, Ҳ. Маматқулов, И. Исоқов ва О. Турғуновлар биринкетин Иттифоқ ва жаҳон рекордларини ўрнатиб, зафар қучишди.

⊙ Ўзбекистонда вазни ЭНГ енгил оғир атлетикачи (ҳозир Виктор Янский (52 кг), ЭНГ оғири эса Николай Акуленин (123 кг)дир.

Ортиқ МАХМАЮСУПОВ.

Насрий масаллар

## МУШУК ВА СИЧҚОН

**Тешик олдида мушук сичқонни пойлаб ётарди. Ичкаридан сичқон унга мўралаб деди:**

**— Чи-чи, мени пойламай қўяқол, орқа томондан яна бир тешик очиб олдим.**

**— Миёв-миёв, у тешик олдида шеригим сени қарши олади, — деди унга мулойимлик билан мушук.**

## ҚАЛАМ ВА ЎЧИРҒИЧ

**Бир куни қалам ўчирғичга арз қилиб қолди:**

**— Хой, ўчирғич, сенинг дастингдан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим. Ёзганларимни ўчираверасан, ўчираверасан, тоқатим тоқ бўлди-ку!**

**— Чунки сен ҳалиям турғунлик йилларидагидек қўрқиб-писиб юзаки ёзяпсан. Ахир, ҳозир ошкоралик, — дебди ўчирғич.**

Баҳодир МУҲСИМОВ.

Болалар сўзлаганда

### ЖЎЖАЛАРГА

— Ойи, дадамлар энди паррандачилик фермасида ишлаяптиларми? — сўради Дилмурод.

— Йўқ, ўғлим, бу гапни кимдан эшитдинг?

— Кеча дадам қоп орқалаб келаётганларида, бир амаки «Ҳа, Ашир—топганини уйига ташир», деган эди, дадам, бу нарсалар «жўжаларга», дедилар.

### ДОРИ ИЧМАЙ ҚЎЯҚОЛАЙ

— Шу дорини ичсанг, тез тузаласан, — деди она касал ётган қизига.

— Ойижон, ичмай қўяқолай.

— Нега ичмайсан, асал қизим?

— Дадам айтдилар-ку «дори»лар заҳар-заққум бўлиб кетибди.

### ҒУРРАНГИЗ ЙЎҚ-КУ

Беш ёшли Сайёра чопқиллаб келиб кўрпачада ўтирган дадасининг бошини силар экан:

— Ҳа, алдоқчи дадам, — деди.

— Қизалоғим-эй, нега бундай деяпсан?

— Боя ойимга, Анварингнинг қилган ишини ўйлай бериб бошим шишиб кетди, деган эдингиз, ғуррангиз йўқ-ку.

### ЙЎҚОТИБ ҚЎЙИШДАН ҚЎРҚИШАДИ

Биринчи синф ўқувчилари ўқитувчи опалари бошчилигида «Ҳайвонот боғи»га кетишаётган эди. Гулбаҳор шаҳар марказида қўлтиқлашиб кетаётган йигит ва қизни кўрсатиб, ёнидаги Эркиндан сўради:

— Нега кап-катта йигит ва қиз ушлашиб кетаяпти-а?

Эркин билағонлик билан жавоб қайтарди:

— Улар шаҳарга биринчи марта келишган, бир-бирини йўқотиб қўйишдан қўрқишади.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ, ўқитувчи.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

# Телепрограммалар

7 майдан—13 майгача

## Душанба, 7

**РАДИО КУНИ, БАРЧА АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ БАЙРАМИ**

● ЎзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Чипнинг саргузаштлари». Мультфильм.
18.00 Болалар учун. «Қисқа тўлқинларда». Радио кунига бағишланган кўрсатув.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Жанговар қўшиқлар». ЎзССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги «Зебо» ансамбли ҳақида.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Зафар сатрлари». Адабий композиция.
20.15 «Ипакчилик: тажриба ва муаммолар».
20.30 Москва. «Время».
21.00 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси бадиий коллективларининг концерти.
21.55 Реклама.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Ойнаи жаҳонда».
22.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Оила».
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Ҳужжатли фильмлар экранда». Кинопрограмма.
18.55 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Доктор Вера». Бадиий фильм («Мосфильм»).
20.20 «Сифат имтиҳони». Телефильм.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Таъзим».
21.55 «Қандай қилиб бахтли бўлиш мумкин». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Қизил томоқ». Мультфильм.
8.25 «Кўл узра қўшиқлар». СССР Давлат телерадиоси рус қўшиқлари академик хорининг концерти.
8.55 Футбол шарҳи.
9.25 Болалар учун фильм. «Битта «уч» баҳо деб» (Болгария).
10.30 «Ёддан чиқармаганлар ҳақида...». Телевизион ҳужжатли фильм (Ленинград).
11.00 «Ҳайвонот оламида».
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 ГДР телевиденнесининг программаси.
16.00 Халқ куйлари.
16.15 Болалар соати (немис тили дарси билан).
17.15 «Пульс-90». «Биз ва иқтисодиёт».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Жигули билан хайрлашув». Ҳужжатли фильм.
18.50 Футбол шарҳи.
19.20 «Офицер романси». Хроникал-ҳужжатли-публицистик фильм.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрида П. И. Чайковский таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантанали кеча. Танаффус пайтида — «ТСН» ва Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

**Ўқув программаси**

8.15 «Майли, қалб поклигича қолсин...». Ҳужжатли фильм (Иркутск).
8.35, 9.35 Тарих. 9-синф. Россияда биринчи («Меҳнатни озод этиш» группаси).
9.05 Итальян тили.
10.05 «Онам, дадам ва мен». Бола икки ёшга тўлганда.
10.35, 11.35 Мусиқа. 8-синф. С. С. Прокофьев. «Ромео ва Жульетта».
11.05 Рус тили.

*

12.05 «Югур, сени ушлаб олишсин». Бадиий фильм.
13.25 Спорт гимнастикаси. Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Грециядан кўрсатилади.

* * *

16.30 Телевизион мусиқий абонемент.
17.45 «Эчки ҳақида». Мультфильм.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Бошқиридистон: экологик жар ёқасида...».
19.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз».
19.45 «Советская женщина» журнали совғаси учун бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар.
20.25 «Микрофон олдида Юрий Левитан». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.00 «Порт». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).

## Сешанба, 8

● ЎзТВ I

11.30 «Урушни ёдингда тут». Телефильм.
12.05 «Мангуликка айланган лаҳзалар». Фильм-концерт.
12.40 «Доктор Вера». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Қанотли хўтикча». Мультфильм.
17.50 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
18.20 «Қадрият». Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳақида уч лавҳа.
18.55 Москва. **1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба байрамига бағишланган тантанали мажлис.** ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Ахборот» (рус тилида).
21.15 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Мардлар қўриқлайди Ватанни». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Тошкентлик суворий». Уруш ветерани Исмоил Салимов ҳақида очерк.
22.40 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Урушнинг тўртинчи йили эди». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.10 «Техника ижодиёти мактаби» (рус тилида).
18.50 «Совет Иттифоқи элчиси». Бадиий фильм («Мосфильм»).
20.20 «Палиастоми кўли». Телефильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Бо силоху бо қаламм». Улуғ Ватан урушида қатнашган ёзувчилар ҳақида.
22.00 «Ахбор».
22.20 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ҳарки накуном зист...» Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Ходи Кенжаев.
22.45 «Солдат отаси». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Фронтдош дугоналар». Концерт.
8.25 «Шарқий форт». Ҳужжатли фильм.
8.50 «Тонгги мусиқа». Мультфильм.
9.00 «Саёҳатчилар клуби».
10.00 «Бу бўлган... бўлганди...».
10.30 Болалар соати (немис тили дарси билан).
11.30 «Тойчоқни ким эркалайди». Телевизион ҳужжатли фильм (Оржоникидзе, Ставрополь шаҳарлари).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.40 «Хотира бурчи». Бутуниттифоқ Хотира китоби ҳақида.

* * *

15.15 «Юлдузлар порлаганда...». Фильм-концерт («Лентелефильм»).
16.10 «Уйча». Мультфильм.
16.45 «Дўстлар, ўртоқлар ҳақида». Улуғ Ватан уруши ветеранлари халқ хори жамоаси билан учрашув.
17.20 «Бизнинг мерос». «Афина. Г. Костаки ҳузурида».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Москва трюси чалади.
18.55 **1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба байрамига бағишланган тантанали мажлис ва концерт.** ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.20 «Пойтахтдан пойтахтга». «СССР Олий Совети — АҚШ конгресси» телекўприги.
23.50 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

**Ўқув программаси**

8.15 «Доктор Алексеевнинг икки умри». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 10-синф. Улар ва ... муаммолар.
9.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Тарих. 7-синф. Уйғониш даври олимлари.
11.05 «Дастлаб...». Илмий-оммабоп фильм.

*

12.05 «Довул кутилмаганда бошланади». Бадиий фильм.
13.35 Союзлар уйининг Колонне залида Радио кунига бағишланган концерт.
15.40 Ритмик гимнастика.
16.10 «Қўшиқ инсон билан қолади». «Белорус вокзали. Бизга фақат ғалаба керак» (Б. Окуджава).
17.15 Классик куйлардан концерт.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
18.35 «Советская женщина» журнали совғаси учун бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...».
19.45 П. И. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр учун 1-концерт. Ижро этадилар: М. Плетнев ва СССР Давлат телерадиосининг Катта симфоник оркестри. Дирижёр — В. Федосеев.
20.20 «Мени калтаклашаверсин... Кучлироқ бўламан... А. Жебрак». Телевизион ҳужжатли фильм (Минск).
21.00 «Бормисан, марказий ҳужумчи!». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

## Чоршанба, 9

**ҒАЛАБА БАЙРАМИ**

● ЎзТВ I

9.00 «Ҳужжатли экран». Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланади.
10.00 «Ғалабадан сўнгги жанг». Бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»).
11.25 «Ҳарбий куй». Фильм-концерт.
11.50 Москва. **Қизил майдон. 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба байрамига бағишланган парад.**
13.00 «Сўнгсас у кунлар шуҳратти». Халқлар дўстлиги музейидан репортаж.
13.35 «Ғалабадан сўнгги жанг». Бадиий фильм. 2-серия.
14.50 «Улимларни қолдириб доғда...». Жангчи адиб Вали Ғофуров ижодига бағишланади.
15.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Оталар изидан».

*

16.35 Кўрсатувлар тартиби.
16.40 Мультфильм.
17.00 Футбол бўйича мамлакат биринчилиги. «Пахтакор» — «Ростсельмаш» (Ростов-Дон). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — Телефильм.
18.50 Москва. Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. Сукут дақиқалари.
19.05 Тўқимачилар Маданият саройи Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари халқ хорининг концерти.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Ғалаба байрами». Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, генерал-полковник И. В. Фуженко сўзи.
19.55 Тошкент отчопарида бадиий-спорт байрамидан репортаж.
20.35 Москва. «Время».
21.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ғалаба баҳори».
22.00 «Ахборот».
22.20 «««Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ғалаба баҳори» (давоми).
23.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Жаноби буюк Новгород». Бадиий фильм («Мосфильм»).
00.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Китобсеварлар». Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган кўрсатув (рус тилида).
18.50 Реклама.
18.55 «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.35 Москва. «Время».
21.05 «Суруди сафар». Совет халқининг жасорати ва ватанпарварлиги ҳақида қўшиқлар.
22.00 «Ахбор»нинг махсус сони.
22.30 «Ғалабанинг қирқ бешинчи баҳори».

● МТ I

7.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.
7.50 «Олтин кийик». Мультфильм.
8.30 «Мангу—19». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (Одесса киностудияси). Премьера.
11.05 «Қалбга яқин қўшиқлар».
11.50 Москва. **Қизил майдон. 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба байрамига бағишланган парад.**
13.00 «Ғолиблар». Ғалаба байрамига бағишланган кўрсатув.
14.30 «Бугун — Ғалаба байрами». СССР Мудофаа вазири Д. Т. Язов сўзи.
14.50 «Бир-биримизни қалбдан тинглаш учун...». Мусиқий программа.
16.00 И. Друцэ. «Ҳамма нарсадан муқаддас». Совет Армияси Марказий академик театрининг фильм-спектакли.
18.25 «Жанговар кунлар ёдимда...».
18.50 Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. Сукут дақиқалари.
19.05 «Ғалабанинг гулгун шароби». Телевизион бадиий фильм («Укртелефильм»). Премьера.
20.35 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.05 «Май юлдузлари». Солдат қўшиқлари фестивали.
23.05 «Уни Ер шарига дафн этдилар...». Ҳужжатли фильм премьераси («Беларусьфильм»).

● МТ II

7.30 Эрталабки гимнастика.
7.45 Узлуксиз фильмлар: «Жанговар сафдошларим менинг». Киноконцерт.
8.45 И. Ицков, П. Штейн. «Биз бўлган жойларда». Фильм-спектакль премьераси.
10.10 Мультфильмлар: «Оловли йиллар қўшиқлари», «Пионернинг скрипкаси», «Солдатлик бурчи».
10.55 «Дўстлар, ўртоқлар ҳақида». Киноконцерт.
11.50 Москва. **Қизил майдон. 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба байрамига бағишланган парад.**
13.00 «Хотира қўшиқлари, зафар қўшиқлари».
14.10 «Буюк матонат». Бадиий фильм. 1-серия («Беларусьфильм»).
15.15 «Солдат чироғи». Мультфильм.
15.25 «Буюк матонат». Бадиий фильм. 2-серия.
16.30 «Кўҳна маёқ ҳақида афсона». Мультфильм.
16.50 «Тонгдаги шудринг ҳам...». Телевизион бадиий фильм (Рига киностудияси).
18.00 «Қалбдаги хотиралар тилга кирганда». Киноконцерт.
18.15 «Пиф-паф-ой-ой-ой». Мультфильм.
18.30 «Севги бизни тарк этмайди». Композитор Ю. Саульский ижодий кечаси.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.10 В. Славкин. «Йигитчанинг катта ёшли қизи». Станиславский номли Москва драма театри фильм-спектаклининг премьераси.
22.50 Дизи Гиллепси концерти (АҚШ).
00.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

7.30 Тонгги концерт.
7.45 «Мангуликка айланган лаҳзалар». Фильм-концерт премьераси (Тошкент).
8.25 «Сатурн»га йўл». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
9.45 «Пи» белгиси билан».
13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
16.30 «Совет Россияси» видеоканали.
19.00 Рус тили.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Арслон ҳақида».
19.45 **СССР Олий Совети сессиясида.**
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Москва).
22.50 «Кулги кечаси». Сатирик ёзувчи С. Альтов бенефиси.
00.15 Тинчлик велопойгаси. ГДРдан кўрсатилади.

## Пайшанба, 10

● ЎзТВ I

11.30 Жамиятшунослик. Совет жамиятининг революцион қайта қуришдаги асосий йўналишлари.
12.00 «Злобин услуби». Телефильм.
12.30 Ўзбек совет адабиёти. Зулфия ижоди.
13.00 «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Леопольд исмли мушукнинг сайри». Мультфильм.
17.50 «Актёрлар ва роллар». Огаҳий номли Хоразм вилояти мусиқий театрининг артисти Одамбой Бобожонов.
18.45 Жумҳурият театр арбоблари уюшмаси қошидаги «Ўзбекистон» мусиқий-хореографик театр студияси концерти.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Алифбо сабоқлари».
20.25 Реклама.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Ички ишлар вазирлиги хабар беради...»
21.10 «Шаърият дафтаридан». Зоҳиджон Обидов.
21.20 Дутор ва танбур тароналари.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Бўстон» телевизион журнали.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Халқ истеъмол моллари» (рус тилида).
18.35 «Футболдан оғиз очманг». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Эсдалик учун дастхат» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Янгичасига хўжалик юритиш». Душанбе шаҳридаги «СССР 50 йиллиги» номли тикувчилик бирлашмаси.
21.30 Концерт программаси.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Волга-Волга». Кинокомедия.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Оққуш пати». Мультфильм.
8.15 «Қалбингиз таскин топади». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ленинград).
8.35 «Россияга меҳр-муҳаббат билан». Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти.
9.30 «Ғалабанинг гулгун шароби». Телевизион бадиий фильм.
10.55 «Стоп-кадр». Илмий-оммабоп кинокўрсатув.
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Илмий хабарнома.
16.00 «Чехословакия: таниш ва нотаниш».
17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.15 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Нодипломатик суҳбатлар.
21.20 Эфирда мусиқа.
23.20 «Мезон». «В. Набоков мўъжизаси».
23.40 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

**Ўқув программаси**

8.15 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал.
8.35, 9.35 Адабиёт. 8-синф. А. Т. Твардовский. «Василий Теркин».
9.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Биология. 8-синф. Сут эмизувчилар.
11.05 Илмий-оммабоп фильмлар: «Едингиздами, Пришвинда...», «Мнемозинларни излаб».

*

12.05 «Бормисан, марказий ҳужумчи!». Бадиий фильм.
13.35 Ритмик гимнастика.

* * *

16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Олтой телевидение студиясининг программаси (Барнаул шаҳри).
17.30 Ритмик гимнастика.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
18.35 «Советская женщина» журнали совғаси учун бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар.
19.15 «Уч банан». Мультфильм.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Одам яшайдиган орол».
19.45 Атлетизм. Европа чемпионати. Ленинграддан кўрсатилади.
20.20 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
20.25 «Яна цирк маликаси...». Свердловскдан кўрсатилади.
21.00 «Киноабонемент». «Кундузги юлдузлар». Бадиий фильм («Мосфильм»).
22.50 Тинчлик велопойгаси. ГДРдан кўрсатилади.

## Жума, 11

● ЎзТВ I

11.30 Ўзбек мактабларида рус адабиёти. А. П. Чехов ҳикоялари.
12.00 «Замин нуқтаси». Телефильм.
12.30 Зоология. Приматлар туркуми.
13.00 «Футболдан оғиз очманг». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 Ўқитувчи экрани. Илғор ўқитувчилар иш тажрибасидан.
18.10 «Довюрак чигиртка». Мультфильм.
18.20 Қишлоқ хўжалигида ҳисоблаш техникасининг иқтисодий самараси.
18.50 «Тилга эътибор».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокамада.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Насиба Абдуллаева куйлайди».
21.55 Реклама. «Феруза»га марҳамат.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Одобнома».
22.35 «Кино.. кино... кино...»
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

**Тижорат кўрсатувлари**

18.00 «Осиё гўзали» конкурси (рус тилида).
18.40 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали.
19.00 Реклама. «Феруза»га марҳамат.
19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. Меҳр-шафқат ҳақида мулоқот.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Телевидение ва томошабин».
21.30 «Далил». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Солдат эртаги». Мультфильм.
8.20 «Россия» рақс ансамблининг концерти.
9.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
9.45 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.
11.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 «Қўрқув ва таъналарсиз». Бадиий фильм («Мосфильм»).
16.00 «Мусиқий хазина». С. Рахманинов. Фортепьяно ва оркестр учун до минор 2-концерти.
17.15 «Ислоҳот» жамғармаси. СССР Президентлик кенгашининг аъзоси, академик С. С. Шаталин иштирок этади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Ўтган ишга...», Катталар учун мультфильм премьераси.
18.40 «Кембридж битирувчиси». Хроникал-ҳужжатли-публицистик телефильм премьераси. 1 ва 2-сериялар («Союзтелефильм», «Уолберн продакшн», Буюк Британия телевиденнесининг 4-канали).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 «Бу бўлган... бўлганди...».
21.30 «Нигоҳ».
23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

**Ўқув программаси**

8.10 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал.
8.35, 9.35 Тарих. 7-синф. Москва — рус давлатининг пойтахти.
9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 География. 6-синф. География кашфиётлар тарихидан.
11.05 Илмий-оммабоп фильмлар: «Асрлар оша саёҳат», «Худди она Волгадагидек...».

*

12.05 «Киноабонемент». «Кундузги юлдузлар». Бадиий фильм.

* * *

16.30 «Дилкаш учрашув лаҳзалари». Фрунзе шаҳридан кўрсатилади.
16.55 «Робинзон Кузя». Мультфильм.
17.10 «Социалистчасига тақсимлаймиз». Ригадан кўрсатилади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Майдон». Спорт программаси.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кучукча». Мультфильм.
19.45 Тинчлик велопойгаси. ГДРдан кўрсатилади.
20.05 Спорт ҳамма учун.
20.20 «Қумликлардаги дарахтлар». Телевизион ҳужжатли фильм (Вильнюс).
21.00 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Минск).
22.50 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. «Петербурглик инкогнито». Бадиий фильм («Мосфильм»).

## Шанба, 12

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Шаҳризоданинг сўнгги кечаси». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
11.30 «Офат ва нажот». Бўстонлиқ районидаги сув тошқинидан кўрилган талофатни бартараф этиш ҳақида.
12.10 «Дўстлик» кўзгусида: 1. «Замандас». 2. Гулзода Сафиулина куйлайди.

**Тижорат кўрсатувлари:**

13.10 «Фаровонлик йўлида». Сурхондарё вилояти Ленин йўли ноҳияси Будённий номли совхознинг иш фаолияти тўғрисида.
13.50 «Қоракўлчилик: тажриба ва муаммолар. Бухоро вилояти Ғиждувон ноҳиясидаги «Кўкча» давлат наслчилик хўжалиги иш тажрибасидан.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти ёлғончи». Кўғирчоқ фильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Экран табассуми». Киноқўрсатув.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Оқшом эртаклари».
21.15 «Назм ва наво». Бобурнинг дилрабо ғазаллари.
22.00 «Ҳафтанома».
22.40 «Назм ва наво». Бобурнинг дилрабо ғазаллари (давоми).
23.15 «Кўринмас одам». Бадиий фильм («Мосфильм»).
00.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 Ритмик гимнастика.
9.15 «Савту қалом». Накибхон Туғрал шеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув.
10.05 Кинопрограмма.
11.05 «Оппоқ туш». Фильм-концерт.
11.45 «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Бадиий фильм.

* * *

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мўъжиза». Мультфильм.
16.25 Реклама.
16.35 «Альфред Шнитке, Эрик Курмонгалиев, овоз». Телефильм-концерт.
17.05 Фильмотекамиз хазинасидан. «Мен —терговчи». Бадиий фильм.
18.30 «Эл чигармачилиги». «Исмойилдин термелери».
19.00 «Мезгил».
19.30 Ҳуқуқий канал.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Шеърият кечаси». Б. Сарноғоев.
21.50 «Бастилия». А. Молдибоев номли қирғиз академик опера ва балет театрининг спектакли.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Онам, дадам ва мен».
8.30 «Чашмалар».
9.00 Йил фасллари. Май.
10.00 «Бурда моден» таклиф этади...».
10.30 «Партнер». Тижорат хабарномаси.
11.00 Шеърият. В. Фирсов.
11.15 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Қўзғолончилик тарихи». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Олов билан ўйнашиш», 2-серия — «Бурилиш» (Чехословакия).
13.40 «Мўжизасиз мўъжизалар».
14.40 Режиссёр К. Кийск фильмлари. «Йўлингга қайрилиб боқ» («Таллиннфильм»).
16.25 «Советлар: ҳокимиятга эришилмоқда». 3-кўрсатув.
16.55 «Объектив».
17.30 «Халқаро панорама».
18.15 «Пиф-паф-ой-ой-ой». Мультфильм.
18.30 «Севги бизни тарк этмайди». Композитор Ю. Саульский ижодий кечаси.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.10 В. Славкин. «Йигитчанинг катта ёшли қизи». Станиславский номли Москва драма театри фильм-спектаклининг премьераси.
22.50 Дизи Гиллепси концерти (АҚШ).
00.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

7.30 Тонгги концерт.
7.45 «Мангуликка айланган лаҳзалар». Фильм-концерт премьераси (Тошкент).
8.25 «Сатурн»га йўл». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
9.45 «Пи» белгиси билан».
13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
16.30 «Совет Россияси» видеоканали.
19.00 Рус тили.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Арслон ҳақида».
19.45 **СССР Олий Совети сессиясида.**
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Москва).
22.50 «Кулги кечаси». Сатирик ёзувчи С. Альтов бенефиси.
00.15 Тинчлик велопойгаси. ГДРдан кўрсатилади.

## Якшанба, 13

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Компьютер сабоқлари».
10.25 Спорт программаси: 1. Ёш спортчилар мактаби. Кураш. 2. Оғир атлетика бўйича ЎзССР мусобақалари. «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж.
11.45 «Ана Бумбу келди». Бадиий фильм («Ленфильм»).
13.00 «Яшил чироқ» («Светофор») Тошкент вилояти ва Сурхондарё вилояти командалари кўча ҳаракати қоидалари юзасидан баҳслашадилар.
14.00 «Алифбо сабоқлари».
14.35 Чолғу куйларидан концерт.
15.15 «Пойтуғ тўқимачилари». 1-кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қуёш нури». Кўғирчоқ фильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.50 «Кино жавонидан».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Михаил Зошченко. «Турфа ҳангомалар».
20.30 Москва. «Время».
21.00 Студент-ёшларнинг «Камолат» фестивали.
21.10 Катталар учун мультфильм.
21.20 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахборот».
22.20 Экранда — кинокомедия. «Осмондан тушган мерос» («Мосфильм»).
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Китобчанинг викторинаси».
10.45 «Ленинград булбулчалари». Фильм-концерт.
11.30 «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
19.20 «Топилмалар бюроси». Мультфильмлар программаси.
19.55 «Хаёлпараст». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Тожиктелефильм» маҳсулоти).
20.05 «Муколама». Фалсафа фанлари доктори Хаёлбек Додхудоев суҳбати.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Сурудхон мавриги». Бухоро аҳолисининг анъанавий урф-одатлари.
22.00 «Ҳафта». Информацион программа.
22.30 «Заречная кўчасида баҳор». Бадиий фильм (рус тилида).
23.55 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун.
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах.
12.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Қўзғолончилик тарихи». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Ниҳоятда улкан фикр». 4-серия — «Тошкиннинг яширин нуқтаси ҳақида».
14.15 «Здоровье».
15.00 СССР—ГФР: ҳамкорлик қирралари.
16.00 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
17.00 «Марафон-15».

**Якшанба кинозали**

18.30 «Икки баҳодир». Мультфильм.
18.40 «Омадли». Бадиий фильм («Мосфильм»).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Абадият ҳақида ўйлар.
21.15 «Империя». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (Канада). Премьера.
22.55 А. Вивальди. «Йил фасллари». Франция телевиденеси.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг!
7.45 Ҳужжатли фильмлар: «Боғда, полизда...», «Экранда Сибирь».
8.15 «Сатурн»нинг тугатилиши». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
9.50 «Ёкутистон олмослари». Болалар хореографик ансамбли ҳақида.
10.20 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
10.30 «Уста». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм («Таллиннфильм»). Премьера.
11.05 «Она-замин ташвишида» туркумидан. «Васваса». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Владивосток).
11.35 Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган ҳаваскорлик духовой оркестрлари Бутуниттифоқ конкурси қатнашчиларининг якунловчи концерти.
13.35 «Кимгаки қўшиқ ҳамроҳ бўлса». Ҳужжатли фильм.
14.00 «Совет Россияси» видеоканали.
16.30 «Планета». Халқаро программа.
17.30 «Биз яшаётган олам». Режиссёр В. Лисакович фильмлари. «Ҳеч бир шов-шувсиз», «Плюс минус мен».
18.10 «Дўстлик меридианлари». Поляк қўшиқлари XI Бутуниттифоқ фестивали. Луцкда зонал конкурс.
19.00 «Тикланиш». Ишлаб чиқарилаётган чолғу асбобларининг сифати ҳақида.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ёнгин».
19.45 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. Япония—СССР терма командалари. Япониядан кўрсатилади.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 Л. О. Утесов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган концерт.
22.30 Тинчлик велопойгаси.


**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

**(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

**РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.**

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-78; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

**Якш